

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ НИСОБИ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ**

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» кафедраси

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ»

Кафедра мудири

« ____ » _____ 2015 й.

**“ЎЗПАХТАСАНОАТ” УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИДА ЖОРИЙ
МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ” МАВЗУСИ БЎЙИЧА
ЁЗИЛГАН
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

«Ҳимояга тавсия этилади»

Илмий раҳбар:

« ____ » _____ 2015 й.

Бажарди: «Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» таълим йўналиши битирувчи

4-курс Равшанов Мухтор

Меғлиевич _____

« ____ » _____ 2015 йил

Т О Ш К Е Н Т – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-Боб. Бозор мунасабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг назарий асослари	
1.1. Бозор мунасабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари	
1.2. Очiq акциядорлик жамиятида жорий мажбуриятлар аудит текшируви меъёрий асослари.	
2-Боб. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда жорий мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш.	
2.1. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан мажбуриятлари ҳисоби.	
2.2 “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда олинган авансларни ҳисобга олиш мажбуриятлари ҳисоби.	
2.3 “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш.	
2.4 “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда таъсисчиларга бўлган қарзларнинг ҳисоби.	
2.5 “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда банкнинг кредитлари ва ҳар-хил кредитор қарзлар ва ҳисобланган бошқа мажбуриятларни ҳисобини юритиш.	
3-Боб. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг жорий мажбуриятлар аудитини ўтказиш тизими	
3.1.“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг жорий мажбуриятларнинг аудити режаси ва дастурини тайёрлаш	
3.2.“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни текшириш	
3.3.“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар билан ҳисоблашишларни аудит текширишиувини ўтказиш йўллари.	
Хулоса ва таклифлар	57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	60

К и р и ш

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификациялаш жараёнида давлат дастури бўйича устувор вазифаларни амалга оширишда “Ўзпахтасаноат” уюшмаси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари давлат ҳариди бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилганини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси “Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил яқунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир”¹ деб таъкидлаганидек.

Бозор муносабати шароитида ўзаро иқтисодий муносабатлар даврида бир-бирларига маҳсулот етказиб беришлари, ишлар бажариб беришлари ёки хизматлар кўрсатиб беришлари мумкин. Бунда маҳсулот етказиб берувчи, ишлар бажариб берувчи ёки хизматлар кўрсатиб берувчи томонга буюртмачи томонидан етказиб берилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қиймати тўлаб берилиши керак бўлади.

Бундай ҳисоб-китоблар даврида ҳар доим ҳам етказиб берилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилавермайди натижада хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мажбуриятлар пайдо бўлади. Мажбуриятларни ўз вақтида тўланмаслиги турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Мана шу жараёнларда бевосита бухгалтерия ҳисоби ва аудит ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида эса хўжалик юритувчи субъектлар улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳар бири учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳолат мазкур мавзунинг бугунги кундаги долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Шу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон. 2015.- Халқ сўзи газетаси 17-январь, №11(6194).

томонлама кўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш масаласи бу соҳани назарий масалалар ечимини ёритишни тақазо этди. Ушбу вазифаларни бажариш борасида маълум ишлар амалга оширилган. Бу борада илмий тадқиқот олиб бораётган ривожланган давлатлар олимларидан Б.Нидлз, Х.Андерсон, Э.Аренс, Ж.Лоббек, К.Друри. шунингдек, МДХ олимларидан Н.П.Кондраков, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, Т.П.Карпова, О.Е.Николаева, С.А.Николаева, А.Д.Шереметларни мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистон олимлари ва мутахассисларидан Н.Жўраев, А.Сотиволдиев, М.Пардаев, А.Каримов, Б.Исроилов, Р.Дўсмуродов, М.Тўлахўжаева, А.Ибрагимов, Б.Хасанов, К.Ўрозов, Р.Холбеков, А. Туйчиевлар ва бошқа номларни келтириш мумкин.

Демак, акционерлик жамиятларда жорий мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини ҳам янги қабул қилинаётган дастурларга мослаштириш заруратидан келиб чиқиб. Янги ўзгаришларни жорий этиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий жиҳатидасига кўра мазкур мавзуда битирув малакавий ишини олиб боришимизга асос бўлди ҳамда малакавий ишмизнинг мақсади ва вазифаларини белгилашга имкон берди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади субъектларнинг жорий мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш ва уни соддалашлаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Кўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажариш белгиланди:

-Бозор мунасабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишнинг назарий асосларини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ жорий мажбуриятлар аудитнинг меъёрий асослари, ҳамда мақсади, вазифалари ва манбаларини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган мажбуриятларни ҳисобга олишини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда олинган бунақларни ҳисобга олиш мажбуриятларнинг ҳисобиини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда суғурта ва мақсадли давлат жамјармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олишини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда таъсисчиларга бўлган қарзларнинг ҳисобиини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда банкнинг кредитлари ва ҳар – хил кредитор қарзлар ва ҳисобланган бошқа мажбуриятларни ҳисобини юритишини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг жорий мажбуриятларнинг аудити режаси ва дастурини тайёрлашини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни текширишини ўрганиш;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар билан ҳисоблашишларни аудит текширишиувини ўтказиш йўллари очиб беришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси корхонасининг Қашқадарё вилояти Муборак тумани “Муборак пахта тозалаш” очиқ акциядорлик жамияти бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳамда аудиторлик текширув тизми ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб, иқтисодий эркинлаштириш шароитида “Муборак пахта тозалаш” очиқ акциядорлик жамиятида мажбуриятларни меъёрий ҳужжатларда расмийлаштириш, жорий мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳамда унинг аудитини амалиётга тадбиқ қилиш ҳисобланади.

Илмий янгиликлари. Битирув малакавий ишнинг илмий натижаларига қуйидагилар киради:

-Бозор мунасабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишнинг назарий асосларини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ жорий мажбуриятлар аудитнинг меъёрий асослари, ҳамда мақсади, вазифалари ва манбаларини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган мажбуриятларни ҳисобга олишини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда олинган бунақларни ҳисобга олиш мажбуриятларнинг ҳисобиини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олишини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда таъсисчиларга бўлган қарзларнинг ҳисобиини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда банкнинг кредитлари ва ҳар – хил кредитор қарзлар ва ҳисобланган бошка мажбуриятларни ҳисобини юритишини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг жорий мажбуриятларнинг аудити режаси ва дастурини тайёрлашини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни текширишини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашишларни текширишни ташкил қилишини ўрганилди;

-“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар билан ҳисоблашишларни аудит текширишиувини ўтказиш йўллари очиб берилди.

Тадқиқотнинг назарий услубий асослари. Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси корхоналарига қарашли акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботи миллий ва халқаро стандартлари, жорий

мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, иқтисодчи олимлар асарларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижасида олинган хулоса ва таклифлардан олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу натижалар акциядорлик жамиятлари жорий мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини ташкил қилишда ижобий самарадорликка эришиш имкониятини яратади.

Ишнинг таркибий тўзилиши - кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

1-Боб. Бозор мунасабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисоби ва удитини ташкил этишнинг назарий асослари

1.1. Бозор мунасабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Шундан келиб чиқиб, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда.² Бу борада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Биз ўз олдимизга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 11,7 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини 11 фоиз ва ноозиқ-овқат товарларини 12,1 фоизга кўпайтириш, ушбу маҳсулотларни чакана савдо тармоғи орқали сотишни 14,2 фоизга ошириш вазифасини қўймоқдамиз.

Бозор муносабатида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасида юзага келаётган мажбуриятларни уларнинг якуний молиявий натижаларига жиддий таъсир этишини эътиборга олиб мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жорий мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим: мажбуриятларни турли белгиларга кўра туркумланишини амалга ошириш; мажбуриятларни асосли тарзда баҳоланишини таъминлаш; мажбуриятларни бир тоифадан иккинчисига ўз вақтида ўтказилишини назоратга олиш; мажбуриятларни тоифалари, ҳамда юзага келиш муддатлари бўйича молиявий ҳисоботда аниқ кўрсатилишини таъминлаш; муддати ўтиб кетган ва шартли мажбуриятлар бўйича асосли ёритиб беришларни таъминлаш;

Жорий мажбуриятлар битим, шартнома ёки қонунчилик асосида келиб чиқади. Бундай мажбуриятлар ўз ичига кредиторлик счётлари, векселлар бўйича мажбуриятлар, дивиденд тўловлари, солиқ тўловлари, йиғимлар, узок муддатли мажбуриятларни жорий қисми, иш ҳақи бўйича қарздорлик ҳамда товар ва хизматлар бўйича мажбуриятлардир.

Корхонанинг жорий мажбуриятлар бир йил ёки бир операцион цикл давомида тўланиши лозим бўлган кредиторлик қарзидир.

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон. 2015.- Халқ сўзи газетаси 17-январь, №11(6194).

Акциядорлик жамиятларида жорий мажбуриятларнинг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:³ мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар – жорий қисми; тўланадиган қисқа муддатли векселлар; бўлинмаларга тўланадиган счётларнинг жорий қисми; муддати ўзайтирилган даромадлар; қисқа муддатли облигациялар; пул маблағлари ва мулк шаклида тўланадиган дивидендлар; ҳаражатлар билан боғлиқ ҳисобланган мажбуриятлар; олинган аванслар ва қайтариладиган депозитлар; келгуси давр даромадлари; тўланадиган солиқлар; кафолат мажбуриятлари; иш ҳақи, таътил ва байрам кунлари тўловлари бўйича мажбуриятлар; шартли мажбуриятлар; узоқ муддатли қарз мажбуриятларини жорий қисми; тўлаш муддати белгиланмаган мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча).

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар-такрорланадиган маҳсулот сотиб олиш билан боғлиқ мажбуриятлар учун мўлжалланган мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар счётидир. Бу мажбуриятлар акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти давомида вужудга келиб, товар ва материалларни сотиб олиш, мол етказиб беришни ва хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.

Акциядорлик жамиятларида мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счёти бўйича ҳисоб таркибини қуйидагича ташкил этишни амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни юқорида келтирилган тартибида ташкил қилиш бизнинг фикримизча иккита афзалликга эга:

Маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар олдидаги мажбуриятни назорат қилиш;
Мажбуриятларни юзага келиш йўналишларини тезкор таҳлил қилиб бориш.

Тўланадиган қисқа муддатли векселлар - тўланадиган счётлар билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалалари натижасида пайдо бўладиган тўланадиган савдо вексели ёки носавдо вексели, ёки ҳисобот даврида тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми қисқа муддатли вексел бўлиши мумкин. Қисқа муддатли вексел кўчмас мулк ёки бошқа бирор бир мулкни олиб қолиш ҳуқуқи асосида, гаровга берилаётган аниқ активни кўрсатилган ҳолда гаров билан таъминланиши мумкин, ёки агар векселни тўлаш эҳтимоли қарздорнинг умумий тўлов қобилиятига асослаган бўлса, гаров билан таъминланмаслиги мумкин. Гаров билан таъминланган тўланадиган векселларнинг очиб берилиши гаровга кўйилган активларнинг идентификатциясини ўз ичига олган ҳолда, қарз мажбурияти тўғрисида бошланғич келишув шартларини ўрганиб чиқишни ўз ичига олиши керак.

Алоҳида бўлинмаларга, шўъба ва қарам хўжаликларига тўланадиган счётларнинг жорий қисми– корхонанинг алоҳида балансга ажратилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва бошқа махсус бўлинмаларга

³ Жўраев Н., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: Иқтисод-молия», 2012 й, 481 бет

бўлган қарзларининг барча турлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган деб тушунилади.⁴

Муддати ўзайтирилган даромадлар - юкни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатишдан олинган бўнак тариқасида олинган пул маблағлари бўйича мажбурият келиб чиқади. Даромадни идентификация қилиш тамойилига асосан, бу маблағлар даромад деб тан олинishi мумкин эмас. Бўнак тариқасида олинган даромадларга: ўқитиш учун тўлов, ижара тўлови, чипталарнинг сотилиши ва журналларга обуна бўлиш учун тўловлар мисол бўла олади. Кўпинча «келгуси давр даромади» деб аталадиган бу сўёт, аниқловчи сўзга эга бўлиши мумкин, масалан, обуна учун тўловни олганда у обунадан олинган келгуси давр даромади бўлиши мумкин. Бу сўёт бошқа номларга ҳам эга бўлиши мумкин, масалан: «Олдиндан тўланган обунадан даромад» ёки «Бўнак тариқасида обунадан олинган даромад». Бизнинг фикримизча бу сўёт таркибига қуйидагиларни киритса мақсадга мувофиқ бўлади:

- келгусида бажариладиган ишлар ва хизматлар учун бўнак суммасининг олинishiдаги ҳисоблашишлар;
- тегишли давр келиши билан лизинг юзасидан даромаднинг акс эттирилишидаги ҳисоблашишлар;
- қарзларни тўлашга қараб қийматликлар камомади бўйича тегишли фарқ суммасини ҳисобдан чиқарилишидаги ҳисоблашишлар;
- муддати ўзайтирилган даромадларнинг ҳисобот даври даромади сифатида тан олинishiдаги ҳисоблашишлар.

Кейинчалик, маҳсулот етказилган ёки хизмат кўрсатилган ва даромад ҳам ҳақиқатдан ишлаб олингандан кейин, келгуси давр даромадлари сўёти камаяди, даромаднинг тегишли сўёти эса кредитланади. Бу охириги ёзув одатда йил охиридаги тўзатиш ёзувларидан бири ҳисобланади.

Пул маблағлари ва мулк шаклида тўланадиган дивидендлар. Директорлар кенгаши томонидан эълон қилинганидан кейин, пул маблағлари ва мулк шаклидаги дивидендлар, агар улар келгуси йил ёки муомала жараёнида, улардан қайси бири ўзунроқ бўлишига боғлиқ ҳолда, жорий мажбурият деб акс эттирилиши керак. Пул маблағлари ва мулк шаклидаги дивидендлар ҳуқуқий асосда эълон қилинган санадан тўланиш санасигача мажбурият деб акс эттирилади. Директорлар кенгаши томонидан расман эълон қилинмаган имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ва бошқа хар қандай дивидендлар бўйича мажбуриятлар тан олинмайди. Кумулятив имтиёзли акциялар бўйича мажбуриятларда дивидендлар молиявий ҳисоботларнинг тушунтириш хатларида очиб берилиши керак.

Ҳаражатлар билан боғлиқ ҳисобланган мажбуриятлар. Ҳисобланган мажбуриятлар ўз ичига таътил тўловлари, мукофот ва кредиторларга бериладиган, лекин ҳали тўланмаган фоизларни олади. Ҳисобланган

⁴ Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. /Дарслик -Т.: Шарқ,2004.-592 б.

мажбуриятлар ҳисобот даври охирида тўзатиш ёзувларини киритиш орқали акс эттирилиши мумкин.

Олинган бўнақлар бўйича мажбуриятлар (6310–6390). Юкни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатишдан бўнақ тариқасида олинган пул маблағлари бўйича мажбурият келиб чиқади. Даромадни идентификация қилиш тамойилига асосан, бу маблағлар даромад деб тан олинishi мумкин эмас. Бўнақ тариқасида олинган маблағларга: ўқитиш учун тўлов, ижара тўлови, чипталарнинг сотилиши ва журналларга обуна бўлиш учун тўловлар мисол бўла олади. Бундай хўжалик муомалалари пул маблағларининг дебети ва тегишли жорий мажбуриятлар счётлари кредити бўйича акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар, шу жумладан акциядорлик жамиятлари ҳам мамлакат ҳудудида ҳаракат қилаётган қонунларга кўра фаолиятининг барча турларидан олаётган даромадлари, яратаётган қўшимча қиймат суммаси, мулки, ходимларнинг иш ҳақидан даромад солиғи ва бошқа солиқлар бўйича юзага келаётган мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилишга жиддий эътибор беришлари лозим. Янги счётлар режасида ушбу йўналишдаги мажбуриятларни ҳисобга олиш учун 6410 дан 6500 гача бўлган счётлардан фойдаланиш кўзда тўтилган. Акциядорлик жамиятлари, ўзларининг ҳисоб сиёсатида солиқ турлари бўйича алоҳида счётлар очиб олиш имкониятига эга.

Кафолат мажбуриятлари.⁵ Агар акциядорлик жамияти сотиш вақтида ўз маҳсулотига кафолат берса, унда мажбурият бутун кафолат муддати давомида мавжуд бўлади. Кафолат суммасини сотиш амалга оширилган даврда ҳаражатлар счётининг дебети бўйича акс эттирилади, чунки кафолат маҳсулот ёки хизматнинг сифат тавсифи ва сотиб олишга ундайдиган сабаблардан бири ҳисобланади. Ўтган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, келгуси даврларга берилган кафолатларнинг акциядорлик жамиятига келиб тушадиган суммасини ҳисоблаш мумкин. Айрим товарлар ёки хизматлар аҳамиятли бўлмаган кафолат хизматини талаб қилади, бошқалари эса кўпроқ хизмат кўрсатишни талаб қилиши мумкин. Шундай қилиб, товар ёки хизматлар бирлигининг ўртача хизмат кўрсатиш қийматини аниқлаш мумкин.

Акциядорлик жамиятларининг хўжалик фаолияти натижаларига кўра узоқ муддатли мажбуриятлар ҳам юзага ҳисобот йилида тўланадиган қисми жорий мажбуриятлар бўлиб ҳисобда акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботларни тартибга солишга мўлжалланган меъёрий ҳужжатлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобини тўғри ва аниқ юритишини талаб қилади.

⁵ Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Монография. – Т.: ТДИУ 2010. 256 б.

1.2. Очик акциядорлик жамиятида жорий мажбуриятлар аудитнинг меъёрий асослари.

Жорий мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоб операциялар аудитининг асосий манбаси бўлиб қуйидаги меъёрий ва дастлабки ҳужжатлар ҳамда бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1996 йил 29 августда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

2) Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 1997 йил 24 апрелда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

3) Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Қонун. 1996 йил 30 августда тасдиқланган.

4) Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида Низом. 2002 йил 12 январда тасдиқланган.

5) 21-сонли Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС). "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш тўғрисида йўриқнома".

6) Ўзбекистон Республикасининг бошқа БХМСлари.

7) Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда 54-сон билан тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

8) Умумдавлат солиқларини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги йўриқномалар.

9) Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги йўриқномалар.

10) Вазирлик, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларини қоплаш учун маблағлар бериш тартиби.

11) Ҳисобнинг ушбу бўлимига тегишли дастлабки ҳужжатлар.

12) Ҳисобнинг ушбу бўлимига тегишли синтетик ва таҳлилий ҳисоб регистрлари.

13) Бухгалтерия ҳисоботи.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятинини қуйидаги иқтисодий субъектлар ва давлат муассасалари билан муносабат асосида юритади⁶:

мол етказиб берувчилар ва пудратчилар;

харидорлар ва буюртмачилар;

турли дебиторлар ва кредиторлар;

ҳисобдор шахслар;

⁶ Тулаходжаева М.М. **Муаллифлар жамоаси.** «Аудит» (дарслик). Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, 2008 й.

банклар;
солиқ идоралари;
инвесторлар ва бошқалар.

Юқорида келтирилган субъектлар билан муносабатлар ўзаро ҳисоб - китоб операцияларига асосланади. Корхонада ҳисоб – китоб операциялари эса дебиторлик ва кредиторлик қарзларини сўндириш асосида юзага келади.

Ушбу операциялар қуйидаги характерга эга: (1) мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан – корхона харид қилган товар-моддий захиралар, хизматлар ва бошқа қийматликлар юзасидан; (2) харидорлар ва буюртмачилар билан – корхона ишлаб чиқариб сотган тайёр маҳсулот ва кўрсатган хизматлар юзасидан; (3) ҳисобдор шахслар билан – хизмат сафари ва шу кабилар юзасидан; (4) банклар билан – корхона олган кредит ва улар бўйича ҳисобланган фоиз тўловлари юзасидан; (5) солиқ идоралари билан – давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган солиқ тўловлари юзасидан; (6) инвесторлар билан – инвестициялар жалб этилиши ва улар бўйича ҳисобланган дивидендлар юзасидан ҳисоб китоблар ва бошқалар.

Корхоналарда ҳисоб – китоб операциялари қуйидаги усулларнинг бири асосида амалга оширилади:

нақд пулсиз ҳисоб-китоб усули;

нақд пул билан ҳисоб – китоб усули;

ўзаро ҳисоб-китоблар усулида (агар тизим ичидаги ҳисоб-китоблар мавжуд бўлса).

Ҳисоб – китоблар юзасидан аудит текширувининг бош мақсади – корхона операцион йил давомида иқтисодий субъектлар билан амалга оширган операциялари натижасида юзага келган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва улар бўйича юқорида келтирилган усуллар асосида ҳисоблашишлар БҲМСга асосан, ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ тартибда молиявий ҳисоботларда акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Ушбу жараёнда аудитор томонидан аудит текширувидан ўтаётган корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қонуний асосда вужудга келганлиги, қопланиш имкониятининг мавжудлиги (ҳақиқий қийматда акс эттирилганлиги), корхона эгалигидаги кредит маблағлари кредиторлар билан келишилган мақсадларга, қонунни четламаган ҳолда сарфланаётганлиги, шунингдек, кредит суммаси ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида қайтарилиш имконияти ўрганилади ва баҳоланади.

Аудитор томонидан ҳисоб – китоб операцияларини аудит текширувидан ўтказиш жараёнида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масала – корхона ва “боғлиқ тарафлар” ўртасида амалга оширилган операциялар ҳисобланади. Чунки, бу тур операциялар баъзан қарз берувчи (корхона)нинг эмас, балки қарз олувчи (раҳбарият)нинг манфаатини кўзлаб, корхона учун фойдасиз шартлар асосида амалга оширилган бўлиши ва бу қарзларнинг қайтарилиши раҳбарият “ихтиёрига ҳавола” этилган бўлиши мумкин. Бу эса корхона молиявий ҳисоботларида фирибгарликка йўл қўйилиш эҳтимолини оширади.

Жорий мажбуриятлар аудитини ўтказиш жараёнида аудитор вазифалари қаторига баланс ҳисоботида акс этирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва улар бўйича ҳисоб-китоблар суммаси тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан бир қаторда, баланс ҳисоботининг шу элементлар ишончли бўлиши ва молиявий ҳисоботда тўғри акс этирилишини таъминлаши лозим бўлган ички назорат тизимининг сифатини текшириш ва баҳолаш ҳам киради.⁷ Чунки, ҳисоб-китоблар юзасидан оқилона ички назоратнинг ташкил этилиши ҳисоб-китоб ва шартномавий интизомнинг мустаҳкамланишига, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилиш орқали, корхона эгалигидаги жорий активларнинг юқори айланувчанлигини таъминлашга, харидорлар ва мол етказиб берувчилар билан ўзаро ишончга асосланган, узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишга ва шу орқали корхона молиявий ҳолатини яхшилашга имконият яратади.

Жорий мажбуриятлар операциялари юзасидан аудит текширувини ўтказиш жараёни умумий кўринишда қуйидаги олти босқичдан иборат:

дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларга нисбатан самарали ички назорат тизимининг ташкил этилганлигини текшириш ва унинг сифатини баҳолаш;

бухгалтерия тизими маълумотлари ва молиявий ҳисоботларда акс этирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва улар бўйича ҳисоб-китоблар ҳақиқатдан ҳам рўй берганлигига ишонч ҳосил қилиш;

дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг барчаси тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш;

дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда улар бўйича ҳисоб – китоб операциялари юзасидан арифметик амаллар тўғри бажарилганлигини ўрганиш;

баланс ҳисоботида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақиқий кийматида акс этирилганлигини баҳолаш;

баланс ҳисоботида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғри гуруҳлаштирилганлигига ва агар зарурат бўлса, улар бўйича зарурий кўшимча маълумотлар иловаларда тўлиқ ва тўғри келтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Дебиторлик қарзларининг амалда мавжудлиги юзасидан аудит текшируви корхонанинг дебиторлик операциялари бўйича ҳужжатлаштириш тизими ва ҳужжатларга нисбатан ички назорат тизимини ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш операцион йил якунида ва кейинги операцион йил бошида содир этилган операцияларнинг жорий ва кейинги операцион йил молиявий ҳисоботларида тўғри келтирилганлигини текширишни ва шунинг асосида

⁷ Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003, - 612 б.

жорий йилда содир этилган операциялар шу йил ҳисоботларида кўрсатилганлигини текширишни назарда тўтади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини аудит текширувидан ўтказганда аудитор аввало бу қарзларнинг қопланиш имкониятини баҳолаши ва “шубҳали қарзлар бўйича резерв” сметиға ўтказилиши лозим бўлган суммани аниқлаши ёки бу сметиға ўтган сумма қанчалик асосли эканлигини текшириши лозим.

Баланс ҳисоботларида келтирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари молиявий натижаларда келтирилган даромад ва ҳаражат элементлари билан ҳам боғлиқ бўлганлиги сабабли, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб – китобларни текшириш жараёнида аудитор молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳам текшириб боради. Шу сабаб, ҳисоб – китоб операциялари юзасидан аудит текширувининг асосий манбалари бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ва шу ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ҳисобланади.

2-Боб. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш.

2.1. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖ мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган мажбуриятларни ҳисобга олиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шаклан хилма-хил мулкчиликка асосланган ва ташкилий-иқтисодий тавсифдаги кўплаб корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Жумладан, ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий кичик корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар ва бошқалар шаклланмоқда. Бундай янги тўзулмаларда етарли даражада профессионал малака, тажриба, билим ва корхоналар фаолиятини тартибга солиб турувчи янги қонун-қоидаларни пухта биладиган бухгалтерлар етишмаслиги оқибатида ҳуқуқ-тартибот органларининг аралашув ҳоллари учрайди. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислоҳотларнинг чуқурлаш-тирилиши натижасида корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аудиторлик текширувидан ўтказиш, ҳамда ҳисоб-китобни яхшилаш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ, ҳуқуқий ва бошқа турлардаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизматнинг янги шакли - аудиторлик фаолиятига эҳтиёж янада кучаймоқда.

Бундай фаолиятнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, корхона молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиб турадиган бухгалтерлик ҳисоби тизими, фаолият натижаларини баҳолайдиган жорий ва йиллик ҳисоботларнинг қонунийлигини тасдиқлашдан иборатдир.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ ўзларининг молиявий-хўжалик фаолиятида бошқа субъектлар билан доимо алоқада бўладилар: истеъмолчи-ҳаридорларга тайёр маҳсулотларини сотадилар, ишларни бажарадилар, хизмат кўрсатадилар, бўнак ёки қарз берадилар. Ўз навбатида, бошқа субъектлар олдида мажбуриятлари пайдо бўлади, яъни олган хом-ашё ва материалларнинг қийиматини тўлаш юзасидан мол етказиб берувчилар олдида бажарган ишлари юзасидан пудратчилар олдида, истеъмол қилинган хизматлар юзасидан хизмат кўрсатувчилар олдида ва хоказо.

Жорий мажбуриятлар бу ҳисобот даврида ёки олдинги даврларда вужудга келган қарзлар бўлиб, уларнинг қопланиши (яъни сундирилиши) иқтисодий нафнинг камайишига, яъни мавжуд активларнинг камайишига олиб келади.

Жорий мажбуриятлар субъектнинг турли келишувларни бажариши натижасида вужудга келади ва товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар юзасидан келгусидаги тўловлар учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

1-сонли БХМС⁸ га асосан мажбуриятларни баҳолашнинг асоси бўлиб, сотиб олинган активлар, хизмат ва ишларнинг таннархи ёки қийимати ҳисобланади.

⁸ ЎЗР 1-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” БХМС. –Т.: 1998 й

Жорий мажбуриятлар-бу кредиторнинг талабига кура бир йил ичида тўланадиган мажбуриятлардир. Амалдаги қонунчиликка асосан, вужудга келган ҳисоблашиш-пул ҳужжатлари ёки шартномада келишилган ҳужжатларда кўрсатилган муддатда хорижий валютанинг курс⁹лари бўйича қайта ҳисоблаш орқали аниқланади. Бир вақтнинг ўзида ушбу ҳисоблашишлар валютада ҳисоблашиш ва тўловларда акс эттирилади. Хорижий валюталар билан амалга оширилган операциялар юзасидан қарзларни қоплаш даврида вужудга келган курс фарқлари 9540-"Курс фарқлари бўйича олинган даромадлар (ижобий)" ёки 9620-"Курс фарқлари бўйича қўрилган зарарлар (салбий)" счётларида акс эттирилади.

Жорий мажбуриятларни ҳисобга олиш тартибини 6000-Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларнинг тегишли счётларида ҳисобга олинади.

Тўзилган шартномага мувофиқ мол етказиб берувчилардан товар-моддий захиралари қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб субъект ва мол етказиб берувчилар ўртасида қўйидаги йўналишлар бўйича ҳисоблашиш операциялари пайдо бўлади: субъектга тақдим этилган активлар, хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича; қабул қилиш пайтида аниқланган товар-моддий қийиматликлари, ишлар ва хизматлар миқдорининг ортиқчилиги; етказиб бериш юзасидан хизматлар, шу жумладан тариф (фрахт) суммасининг кам ҳисобланган суммаси юзасидан ва шунга ўхшаш муаммолар.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ товар-моддий қийиматликлар омборхонага ёки субъектнинг истеъмолига қабул қилинаётганда кирим ордери ёзилиб, ушбу ордерлар илова қилинган ҳолда реестр тўзилади ва омбор мудири томонидан бухгалтерияга топширилади. Ҳисоблашиш операцияри умумлаштирилган ҳолда 6010-"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ва 6020-"Берилган ваискалар" номли пассив, синтетик счётларда олиб борилади.

Бу счётларда қўйидаги ахборотлар йиғилиб борилади: ҳисоблашиш ҳужжатлари акцептланган (тўлашга қабул қилинган) олинган товар-моддий захираларининг қийиматликлари; ҳисоблашишга қабул қилинган бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар- электр қуввати, газ, иссиқлик, сув ва шунга ўхшашлар; ҳисоблашиш ҳужжатлари тўлашга қабул қилинган товар-моддий қийиматликларни келтириш, қайта ишлаш сарфлари; ҳисоблашишлар режали тўлов тартибида амалга оширилган товар-моддий қийиматликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қийимати; мол етказиб берувчилардан ҳужжатлар келмаган, лекин омборга актга мувофиқ қабул қилинган (фактурасиз) товар-моддий қийиматликларнинг қийимати; қабул қилиш жараёнида ортиқча чиққан товар-моддий қийиматликларнинг қийимати; юкларни ташиш бўйича кўрсатилган хизматларнинг қийимати; ҳужжат (фрахт) га нисбатан кам олинган товар-моддий қийиматликларнинг қийимати; алоқа хизматлари қийимати ва шунга ўхшашлар; бош пудратчи

⁹ Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби. –Т.: 28.03.1998й

ташкилот ҳам ўзининг субпудратчи ташкилотлари ўртасида амалга ошириладиган ҳисоблашишлар. Счётларни тўлаш, уларни тақдим қилган вақтидан бошлаб кучга киради ва навбат билан тўлаб борилади.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ ҳақиқий қиримга олинган товар-моддий қийиматлигининг суммаси тегишли товар-моддий захиралари счётларининг дебетидан акс эттирилиб 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ва 6020-"Берилган васиқалар" счётларининг кредитида қайд қилинади.

Товар, хом-ашё ва материалларни ташиб келтириш, юклаш, тушириш уларни қайта ишлаш ҳаражатлари ҳам тегишли товар-моддий захиралари счётларининг дебети томонида ва 6010 ва 6020 счётларининг кредитида акс эттирилади. Аналитик ҳисобда товар-моддий қийиматликларнинг жорий ва балансда баҳоланиш тартибидан катъий назар мол етказиб берувчилардан счёт-фактурасида кўрсатилган суммага 6010 ва 6020 счётлари кредитланади. Агарда мол етказиб берувчиларнинг счёти акцептланган ва қийимати тўланган бўлса, лекин товар ёки хом-ашё қабул қилинаётганда ундан камомад аниқланса ёки табиий камайиш меъёридан ортиқсча камомад аниқланса тўзилган тижорат актига асосан, ушбу аниқланган суммага мол етказиб берувчиларга даъво билдирилади.

Дт 4210-"Даъволар юзасидан олинадиган счётлар", Кт 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ёки 6020-"Берилган васиқалар" счёти.

Моддий қийиматликлар кўзатувчи ҳужжатларсиз, фактурасиз келган бўлса қўйидагиларни текшириш зарур: олинган товар-моддий қийиматликларнинг қийимати олдин тўланганлиги; моддий қийиматликларни ўлчаб, тортиб, нави ва баҳосига эътибор бериб тегишли қабул қилиш "далолатнома"сини тўзиш; ушбу қийиматликларнинг дебиторлик қарзида турган ёки турмаганлиги¹⁰.

Фактурасиз қабул қилинган хом-ашё ва материалларнинг қийимати шартномада кўрсатилган ёки жорий ҳисоб баҳосида "Далолатнома"га асосан қабул қилиниб 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ёки 6020-"Берилган васиқалар" счётларининг кредитига ёзилади ва фактуралар келгандан кейингина банк орқали унинг қийимати навбати билан тўланади.

Агарда “Муборак пахта тозалаш” ОАЖ мол етказиб берувчиларга олдиндан бўнак берилган бўлса тўлиқ ҳисобла-шиш жараёнида умумий қарз суммасидан бўнак суммаси чегирилиб қолинади ва фарқ сумма тўланади. Дт 6010 ва Кт 5110 ёки 5210, ёки 5500, ёки 6810, ёки 6820 ва хоказо. Айрим ҳолларда олинадиган товарлар, материал ва хом-ашёларнинг тўлов ҳужжатлари субъектга келган, лекин ушбу қийиматликлар омборхонага келиб тушмаган бўлиши мумкин. Лекин ушбу тўлов ҳужжатлари банк томонидан тўланганми ёки йўқми, катъий назар субъект томонидан тўлашга қабул қилиниши зарур.

¹⁰ Бобожонов О., Жуманиёзов К.. Молиявий ҳисоб бўйича амалий машгулотлар, Ўқув қўлланма. –Т.: 2004. - 113 бет

Ушбу хужжатлар 6-журнал ордерининг акцепт устунидаги "Келиб тушмаган юклар" устунида кайд қилиб борилади. Ой охирида эса ушбу хужжатга асосан "Йулдаги қийиматликлар" сифатида субъектнинг балансига қабул қилинади. Ушбу материаллар омборхонага қабул қилингандан кейин кирим ордерига асосан иккинчи марта қабул қилиниб олдинги "Шартли қабул қилинган" қийимати чегирилади. 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ва 6020-"Берилган васиқалар" счётларида аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи бўйича айрим юритилади. Чунки бу счётлар ёрдамида акцептланган, тўланган ва қарз бўлиб қолган суммалар назорат қилинади ва мол етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятга риоя қилишга тезкорлик билан ёрдам беради, бундан ташқари: счётлар акцептланган лекин тўлаш муддати келмаган; бошқа ҳисоблашиш хужжатлари бўйича; муддати ўтган тўловлар бўйича; фактурасиз моддий қийиматликлар бўйича; қийиматини тўлаш муддати келмаган васиқалар бўйича; қийиматини тўлаш муддати ўтган васиқалар бўйича; олинган тижорат қарзлари бўйича ҳисоблашишларнинг ҳолати назорат қилиб борилади.

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар умумлаштирилган ҳолда 6-журнал ордерда 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ва 6020-"Тўланадиган васиқалар" счётларининг кредити бўйича кайд қилиб борилади. Бу журнал-ордерда аналитик ва синтетик ҳисоб бир вақтнинг ўзида олиб борилади, аналитик ҳисоб ҳар бир тўлов хужжати, кирим ордери ёки қабул қилиш далолатномасига асосан юритилади. Бу журнал-ордер ҳар ойнинг бошига мол етказиб берувчиларга тўланмаган сумма билан очилади ва унда: тўлов муддати келмаган хужжатлар бўйича; тўлов муддати ўтган хужжатлар бўйича; қийиматликлар келиб тушмаган лекин тўлов хужжати қийимати тўланган; қийиматликлари келиб тушмаган ва тўлов хужжатлари тўланмаган; тўлов муддати келмаган васиқалар; тўлов муддати ўтган васиқалар; фактурасиз қийиматликларнинг ой бошига қолдиқ суммаси алоҳида олган ҳолда кўрсатилади;

6010 ва 6020 счётлар бўйича 6-журнал-ордерда ҳар бир хужжатга тўлиқ маълумот йиғилади; санаси; кайд қилиш рақами; мол етказиб берувчининг номи ва манзили; омбордаги кирим хужжатининг рақами; кирим қилинган товар-материал қийиматликларининг жорий ҳисобидаги баҳоси; тўлов хужжатидаги қийимати; қушилган қийимат солиғи, акциз солиғи; божхона тўловлари ва йиғими ва хоказолар.

6020-"Берилган васиқалар" счётида корхонанинг товар моддий захиралар ва бошқа активларни, бажарилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни сотиб олиш учун берган васиқалари акс этирилади.

Ушбу счётнинг кредитида сотиб олинган товар моддий захиралар, бошқа активлар- бажарилган ишлар ва хизматлар учун васиқа билан таъминланган жорий мажбуриятлар акс этирилиб, улар қопланиши давригача ҳисобга олинади. Васиқалар бўйича мажбуриятлар қопланса, тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити ва 6020-

"Берилган васиқалар", 6820-"Ҳисобланган фоизлар" счётларининг дебитида ушбу операцияга тегишли суммалар акс эттирилади.

6020-"Берилган васиқалар" счёти бўйича аналитик ҳисоб берилган васиқаларнинг ҳар бир тури бўйича олиб борилади. Тўлов муддати учун васиқалар бўйича ҳисоб алоҳида юритилади.

2013 йил 31 декабрда фоиз ҳисоблаш тўлови ҳисобланди:

Дт 9610 «Фоизлар бўйича ҳаражат» счёти $(100\ 000) \times (12\%) \times (3/12) = 3000$, Кт 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти - 3000.

2013 йил 31 декабр – Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот:

Фоизлар бўйича ҳаражат суммаси - 3000

Тўланадиган вексел, жорий қисми - 100 000

Ҳисобланган фоизлар суммаси - 3000

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ 2014 йил феврал – тўлаш муддатидаги номинал сумма ва фоизларнинг тўланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

Дт 6920 -«Тўланадиган ҳисобланган фоизлар» счёти - 3000,

Дт 9610 -«Фоизлар бўйича ҳаражат» счёти $(100\ 000) \times (12\%) \times (9/12) = 900$,

Дт 6020- «Тўланадиган вексел, қисқа муддатли» счёти - 10 0000,

Кт 5110 -«Ҳисоб-китоб» счёти -112000.

2.2 “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда олинган бунақларни ҳисобга олиш мажбуриятларнинг ҳисоби.

Сотиладиган маҳсулот, бажариладиган қандайдир иш ёки курсатиладиган хизматлар учун харидор ва буюртмачилардан бунақ қуринишида пул маблағларини олишда хужалик юритувчи субъект буюртманинг бажарилишидан қутилаётган зарарларни қолаш учун бунақ туловини (олдиндан қийматининг бир қисмини тулаш) талаб қилиши мумкин. Бундай вақтларда бунақ тайёр маҳсулотларни, ТМЗларини, бажарилган иш ва курсатилган хизматларни етказиб бериш бўйича шартноманинг бажарилишига ҳамда харидор ва буюртмачилардан қелгусидаги туловларнинг қелиб тушишига қаролат сифатида юзага келади.

Бундай бунақлар пул маблағини олган субъект учун иш ёки хизмат бажарилгунга қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади. Олинган бунақларга қуйидагилар мисол бўлади: газ, сув, ёритиш ва бошқа маиший хизматлар учун, шунингдек тайёр маҳсулотларни, ТМЗ ва бошқаларни етказиб бериш учун олдиндан олинган туловлар.

Харидорларга ва буюртмачиларга тайёр маҳсулотларни, ТМЗни етказиб бериш ёки қисман тайёр бажарилган иш ва курсатилган хизматлар учун, шенингдек, акцияга обуна бўлган юридик шахслардан олинган бунақлар бўйича жорий мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги счётларда умумлаштирилади:¹¹

¹¹ Ўразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тормоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. / Дарслик. –Т.: Адиб, 2011, 488 бет

6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар"

6320-"Акция обуначиларидан олинган бунаклар"

6390-"Бошқа олинган бунаклар".

Олинган бунак суммалари, шунингдек, қисман тайёр маҳсулот ва иш (хизмат) учун олинган туловлар 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар", 6310-"Акция обуначиларидан олинган бунаклар", 6390-"Бошқа олинган бунаклар" сўтларининг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи сўтларнинг дебетига акс эттирилади. Буюртмачиларга ишни тугатиб топшириш ва хизматни курсатиб булгандан сунг, шунингдек, харидорларга маҳсулотни жунатгандан кейин олинган бунаклар харидор ва буюртмачиларнинг мажбуриятларини камайтиради ва 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар", 6320-"Акция обуначиларидан олинган бунаклар", 6390-"Бошқа олинган бунаклар" сўтларининг дебети, ҳамда сотишни ҳисобга олиш тартибига кура 9010, 9020, 9030, 9410, 9420 ёки 4010 сўтларнинг кредитига акс эттирилади.

Ушбу 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунаклар", 6320-"Акция обуначиларидан олинган бунаклар" ва 6390-"Бошқа олинган бунаклар" сўтлари буйича аналитик ҳисоб олинган жорий бунакларнинг ҳар бир тури ва бунак берган шахслар буйича олиб борилади.

-жадвал

"Муборак пахта тозалаш" ОАЖ олинган бўнакларни ҳисобга олувчи 6300сўтларнинг бошқа сўтлар билан боғланиши¹²

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Сўтларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Бўнаклар олинди	5010-5530	6310-6390
2	Маҳсулотлар, товарларни етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек асосий воситалар ва бошқа активларни сотишда илгари олинган бўнаклар ҳисобга олинди	6310-6390	4010
3	Илгари олинган бўнаклар қайтарилди	6310-6390	5010-5530
4	Илгари олинган бўнаклар банк кредитлари ва бошқа корхоналарнинг қарзлари ҳисобидан қайтарилди	6310-6390	6810-6840, 7810-7840
5	Даъво билдириш муддати давомида фойдаланилмаган бўнак суммалари ҳисобдан чиқарилди	6310-6390	9390

2.3 "Муборак пахта тозалаш" ОАЖда сугурта ва мақсадли давлат жамғармаларига туловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар узларининг мулкларини ва ходимларининг ҳаётларини сугурта қиладилар, ҳисобланган меҳнат хақи, мукофотлар суммасига нисбатан белгиланган миқдорда ижтимоий сугуртага

¹² 21-сонли БҲМС "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби сўтлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома" ЎзР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруғи

ажратма киладилар ва бюджетдан ташкари ажратмаларни амалга оширадилар. Ушбу сугурта сарфларини ва бюджетдан ташкари жамгармаларга ажратмаларни, яъни мулк ва ходимларни сугурта қилиш, давлат ижтимоий сугуртаси, нафақа таъминоти, ходимларнинг тиббий сугуртаси учун ажратмалар, ёнгин, авария, табиий офат, экологик фожиалар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни маблағлар билан таъминлаш учун сугурта жамгармаларини ташкил қилиш харажатлари, шу билан бирга субъектнинг мулкни, ходимларнинг ҳаётини, ҳамда учинчи шахсларнинг мулкий манфаатларига келтирилган зарарлар учун фуқаролик жавобгарликни сугурта қилиш сарфлари қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6510 “Сугурта бўйича туловлар”;

6520 “Мақсадли давлат жамгармаларига туловлар”.

Сугурта учун мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш тартиби тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар билан бошқарилади.

6510-“Сугурта бўйича туловлар” счёти мулкни ва ходимларни сугурта қилиш ижтимоий давлат сугуртаси учун, субъект ходимларининг нафақа таъминоти ва тиббий сугуртаси, ҳамда бандлик жамгармаси учун ажратмалар бўйича субъектнинг қарздорлик суммаси ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

6520 “Мақсадли давлат жамгармаларига туловлар” счёти (6510 счётида қайд қилинадиган туловлардан ташкари) туловларнинг турлари бўйича давлат органларига қарздорлик ва субъект томонидан ҳар хил бюджетдан ташкари жамгармаларга туланадиган суммалар бўйича ахборотним умумлаштириш учун мулжалланган.

Бюджетдан ташкари жамгармаларга туловларни ҳисоблаш ва тулаш тартиби қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Сугурта ва жамгармаларга туловлар бўйича қарз суммалари 6510, 6520, счётларнинг кредитлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини, давр харажатларини ёки туловларнинг бошқа манбаларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томони билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

туланган сугурталар ва бюджетдан ташкари жамгармаларга туловлар тегишли 5010, 5020, 5110, 5210, 5510, 5520, 5590 6810 ва 6820 счётнинг кредитидан амалга оширилади ва 6510 ва 6520 счётларнинг дебет томонида қайд қилиниб, ушбу қарзлар ҳисобдан чиқарилади.

6500- сугурта ва мақсадли давлат жамгармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир сугуртанинг ва ажратманинг тури бўйича айрим юритилади.¹³

¹³ 21-сонли БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” ЎзР АВ 25.05.2009 й. 1181-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруғи

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ сујурта ва мақсадли давлат жамјармалари бўйича қарзларни исобга олувчи 6500счётларнинг бошқа счётлар билан бојланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг бојланиши	
		Дебет	Кредит
1	Капитал қўйилмалар билан бојлиқ сујурта тўловлари бўйича қарз суммалари	0810-0890	6510
2	Сујурта бўйича исобланган тўловлар корхона харажатларига ўтказилди	Харажатларни исобга олувчи счётлар	6510
3	Исобланган сујурта тўловлари суммаси банкдаги счётлардан тўланди	6510	5110-5530
4	Корхона ходими исобидан мақсадли Давлат жамјармаларига ажратмалар қилинди	6710	6520
5	Корхона ходими исобидан мақсадли давлат жамјармаларига ажратмалар қилинди	Харажатларни исобга олувчи счётлар	6520
6	Мақсадли давлат жамјармаларига илгари исобланган суммалар ўтказиб берилди	6520	5110-5530

2.4 “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда таъсисчиларга бўлган қарзларнинг ҳисоби.

Бозор иктисодиёти шароитида купчилик субъектлар акциядорлик жамияти, кушма корхоналар, масъулияти чекланган уртқлик жамияти куринишида фаолият курсатмокда. Натижада ушбу субъектлар узларида таъсисчиларнинг улушлари, акция кийматлари, улар бўйича ҳисобланган дивидендлар бўйича қарзларни, чикиб кетаётган таъсисчиларнинг улушларини айрим ҳисобга олиш заруриятини тугдиради.¹⁴

Дивидендлар бўйича субъектларнинг таъсисчилар олдидаги жорий мажбуриятлари ва чикаётган таъсисчиларнинг улушлари куйидаги счётларда ҳисобга олинади:

6610 “Тўланадиган дивидендлар”;

6620 “Чикиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар”.

Корхона раибарияти томонидан акцияларга дивидендлар тўлаш тўјрисида қарор эълон қилингандан сўнг, дивиденд суммаси жорий мажбурият сифатида акс эттирилади. Дивидендлар акциялар бўйича қонунчиликка мувофиқ тақсимланади.

6610 “Тўланадиган дивидендлар” счёти исобланган дивиденд суммасига 8710 “Исобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счёти билан бојланган йолда кредитланади.

6620 “Чикиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар” счётининг кредит томонида қорхонанинг чикиб кетаётган таъсисчиси улушлари бўйича исобланган мажбуриятлари суммаси 8330 “Пай ва улушлар”, 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - оддий”, 8610 “Сотиб олинган хусусий акциялар - имтиёзли” счётлари билан бојланган йолда акс эттирилади.

6610 “Тўланадиган дивидендлар”, 6620 “Чикиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар” счётлари бўйича аналитик исоб (кўрсатувчига акциялардан ташқари) йар бир таъсисчи бўйича алоида юритилади.

¹⁴ Ибрагимов А.К. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: 2008.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ таъсисчиларга бўлган қарзларни исобга олувчи счётлар (6600)нинг бошқа счётлар билан бојланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг бојланиши	
		Дебет	Кредит
1	Акциядорларга дивидендлар исобланди	8710	6610
2	Дивиденд тўлаш манбаида даромад солији исобланди	6610	6410
3	Исобланган дивидендлар тўланди	6610	5010-5530
4	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар исобланди	8330, 8610, 8620	6620
5	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар тўланди	6620	5010-5530

2.5 “Муборак пахта тозалаш” ОАЖда банкнинг кредитлари ва ҳар – хил кредитор қарзлар ва ҳисобланган бошқа мажбуриятларни ҳисобини юритиш.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ куйидаги счётларда амалга оширилади:

- 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари”;
- 6820 “Қисқа муддатли қарзлар”;
- 6830 “Тўланадиган облигациялар”;
- 6840 “Тўланадиган векселлар”.

6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” счётида корхонанинг банклардан олган турли қисқа муддатли кредитлари исобга олинади.

Олинган қисқа муддатли банк кредитларининг суммалари 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” счётининг кредитида ва пул маблажларини исобга олувчи счётларнинг дебитида акс эттирилади.

Қайтарилган қисқа муддатли банк кредитлари суммаси 6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” счётининг дебет томонида пул маблажларини исобга олувчи счётлар билан бојланган йолда акс эттирилади.

6810 “Қисқа муддатли банк кредитлари” счёти бўйича аналитик исоб иар бир кредитни тақдим этган банк, кредит суммаси, муддати бўйича алоида юритилади.

6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счётида Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги қарз берувчилар (банкдан ташқари)дан 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга олинган қарзлар исобга олинади.

Қарз берувчилардан (банкдан ташқари) тушган маблажлар пул маблажларини исобга олувчи счётларнинг дебити ва 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счётининг кредити бўйича қайд қилиб борилади.

Олинган қарзларни қайтариш 6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счётининг дебитида ва пул маблажларини исобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

6820 “Қисқа муддатли қарзлар” счёти бўйича аналитик исоб қарз берувчилар ва қарзларни қайтариш муддати бўйича алоида юритилади.

6830 “Тўланадиган облигациялар” счётида тўлов муддати 12 ойдан ортиқ бўлмаган облигацияларни муомалалага чиқариш исобига корхонага жалб этилган маблажлар исобга олинади. Агар маблажларни жалб қилиш облигацияларни номинал қийматидан юқори баёгога сотиш йўли билан амалга оширилса, унда облигацияларни сотиш баёиси билан номинал қиймати ўртасидаги фарқ 6220 “Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар” счётининг кредитида исобга олинади.

6830 “Тўланадиган облигациялар” счёти бўйича аналитик исоб иар бир облигация тури ва уни қоплаш муддати бўйича алоида юритилади.

6840 “Тўланадиган векселлар” счётида қоплаш муддати 12 ойдан ортиқ бўлмаган берилган векселлар исобга олинади.

Корхонада берилган векселларни исобга олиш муомалалари 6840 “Тўланадиган векселлар” счётининг кредити ва пул маблажларини исобга олувчи счётларнинг дебити томонида акс эттирилади.

Вексел бўйича муомалалар натижасида қарз берувчидан олинган пул маблажларининг корхона томонидан қайтариши 6840 “Тўланадиган векселлар” счётининг дебитида пул маблажларини исобга олувчи счётлар билан бојланган йолда акс эттирилади.

6840 “Тўланадиган векселлар” счёти бўйича аналитик исоб векселлар исобини амалга оширадиган банклар, вексел ушловчилар ва иар бир вексел бўйича алоида юритилади.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни исобга олувчи счётлар (6800)нинг бошқа счётлар билан бојланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг бојланиши	
		Дебет	Кредит
1	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар олинди	5110-5530	6810-6820
2	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар иёсобиға ТМЗ харид қилинди	1010-2910	6810-6820
3	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар иёсобидан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг қарзи тўланди	6010	6810-6820
4	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар қайтарилди	6810-6820	5110-5530
5	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар ажратилган бўлинмалар иёсобидан қайтарилди	6810-6820	6110
6	Берилган вексел ва облигациялар эвазига қисқа муддатли қарз олинди	5110-5530	6830-6840
7	Берилган вексел ва облигациялар қопланди	6830-6840	5110-5530

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ турли кредиторлар билан муомалалари бўйича қарзлар тўјрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 6910 “Тўланадиган қисқа муддатли ижара”;
- 6920 “Иёсобланган фоизлар”;
- 6930 “Роялти бўйича қарзлар”;
- 6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар”;
- 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми”;
- 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган счётлар”;
- 6970 “Иёсобдор шахсларга бўлган қарзлар”;
- 6990 “Бошқа мажбуриятлар”.

6910 “Тўланадиган қисқа муддатли ижара” счётида корхонанинг қисқа муддатли ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги мажбурияти акс эттирилади. Иёсобланган ижара суммаси 6910 “Тўланадиган қисқа муддатли ижара” счётининг кредит томонида, ижарага берувчига тўланган сумма эса ушбу счётнинг дебет томонида акс эттирилади.

6910 “Тўланадиган қисқа муддатли ижара” счёти бўйича аналитик иёсоб иар бир қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича алоида юритилади.

6920 “Иёсобланган фоизлар” счётида кредиторлар томонидан берилган қарзлар ва кредитлар бўйича иёсобланган фоизлар акс эттирилади. Тўланиши лозим бўлган фоизлар бўйича иёсобланган суммалар 6920 “Иёсобланган фоизлар” счётининг кредитида, фоизлар бўйича қарзларни тўлаш эса ушбу счётнинг дебетида акс эттирилади.

6920 “Иёсобланган фоизлар” счёти бўйича аналитик иёсоб иар бир кредитор бўйича алоида юритилади.

6930 “Роялти бўйича қарзлар” счётида корхонанинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фойдаланиш учун активларнинг олинishi натижасида вужудга келган роялти тўловлари бўйича корхонанинг мажбуриятлари иёсобга олинади. Роялти бўйича иёсобланган қарзлар 6930 “Роялти бўйича қарзлар” счётининг кредит томонида харажатларни иёсобга олувчи счётлар билан бојланган йолда акс эттирилади.

6930 “Роялти бўйича қарзлар” счёти бўйича аналитик иёсоб иар бир кредитор бўйича алоида юритилади.

6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар” счётида корхонанинг сотилган маёсулотларга кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича харидорлар олдидаги мажбуриятлари акс эттирилади. Агар корхона маёсулотини сотиш вақтида харидорга кафолатли муддат берса, ушбу мажбурият бутун кафолат муддати давомида мавжуд бўлади. Кафолат суммаси маёсулот сотиш амалга оширилган даврда харажатларни иёсобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади. Корхона ўз тажрибасидан келиб чиққан йолда, келгуси даврларга бериладиган кафолат суммаси қанчага тўјри келиши, яъни товар ёки хизматнинг бир бирлигига тўјри келадиган ўртача хизмат қийматини иёсоблаб чиқиши ва ушбу суммани 6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар” счётининг кредит томонида харажатларни иёсобга олувчи счётлар билан бојланган йолда акс эттириши мумкин.

6940 “Кафолатлар бўйича қарзлар” счёти бўйича аналитик иёсоб кафолат билан сотилган хар бир маёсулот, иш ва хизматларнинг турлари бўйича алоида юритилади.

6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” счётида мазкур иёсобот даврида тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми акс эттирилади. Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисмга ўтказилганда 6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” счёти тўланадиган суммага узоқ муддатли мажбуриятларни иёсобга олувчи счётлар билан бојланган йолда кредитланади ва узоқ муддатли мажбуриятларнинг бошланғич суммасини камайтиради.

Шунингдек ушбу счётада узоқ муддатли ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ҳам акс эттирилади.

6950 “Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми” счёти бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли мажбуриятларнинг турлари, қайтарилиш муддатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси иудидидаги ва унинг ташқарисидидаги узоқ муддатли мажбуриятларни ажратган йолда, алоида юритилади.

6960 “Даъволар бўйича тўланадиган счётлар” счёти харидорлар, буюртмачилар ва бошқа корхоналар томонидан билдирилган даъволар, шунингдек тан олинган (ёки эътироф этилган) жарималар, пенялар ва неустойкалар бўйича корхонанинг қарзи тўјјрисидидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Даъволар асосан шартнома мажбуриятларини бажармаганликдан келиб чиқиб, 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган счётлар” счётининг кредитида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан бојланган йолда акс эттирилади.

6960 “Даъволар бўйича тўланадиган счётлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб йар бир кредитор ва даъво бўйича алоида юритилади.

6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” счёти корхона ишчиларига маъмурий-хўжалик ва операцион харажатлар, шунингдек хизмат сафарлари учун берилган ҳисобдорлик суммалари билан йақиқий сарфланган суммалари ўртасидидаги фарқ натижасида келиб чиқадиган қарзлар тўјјрисидидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар сарфланган сумма ҳисобдорлик бўйича берилган суммадан ошса, корхонанинг ҳисобдор шахс олдида қарзи вужудга келади ва ушбу сумма 6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” счётининг кредит томонида кўрсатилади.

6970 “Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб йар бир ҳисобдор шахслар бўйича алоида юритилади.

6990 “Бошқа мажбуриятлар” счёти турли нотижорат муомалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслар (ўқув юртлари, илмий корхоналар ва ш.к.) олдидаги суд органларининг ижроя йужжатлари ёки қарорлари асосида корхона ишчиларининг меънат йақидан турли корхона ва алоида шахслар фойдасига ушлаб қолинган суммалар бўйича корхонанинг жорий мажбуриятлари акс эттирилади.

6890 “Бошқа мажбуриятлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб бошқа мажбуриятларнинг йар бир тури бўйича алоида юритилади.

-жадвал

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)нинг бошқа счётлар билан бојланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг бојланиши	
		Дебет	Кредит
1	Қиска муддатли ижара бўйича фойз ҳисобланди	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	6910
2	Қиска муддатли ижара бўйича қарз тўланди	6910	5010-5530
3	Узоқ муддатли ижара бўйича фойз ҳисобланди	9610	6920
4	Қарзлар бўйича фойзлар ҳисобланди	9610	6920
5	Қарзлар бўйича ҳисобланган фойзлар тўланди	6920	5110-5530
6	Роялти ҳисобланди	9690	6930
7	Ҳисобланган роялти тўланди	6930	5110-5530
8	Кафолатли хизмат бўйича қарз ҳисобланди	9430	6940
9	Кафолатли хизмат бўйича йақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилди	6940	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар
10	Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисмга ўтказилди	7810-7920	6950
11	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми бўйича тўланган сумма	6950	5110-5530
12	Тан олинган даъволар (хатолар, йўлдаги камомад, маъсулот сифатининг мувофиқ келмаслиги ва йоказолар) бўйича қарзлар ҳисобланди	9430	6960
13	ТМЗ лардаги арифметик хатолардан келиб чиққан даъволар бўйича қарзлар (ҳисоб-китоб йужжатларидагидан йақиқатда кам етказиб берилганда) ҳисобланди	1010-2990	6960
14	Шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлик учун жарималар, пенялар, неустойкалар	9430	6960

	суммалари бўйича қарзлар (тан олинган ёки арбитраж томонидан эътироф этилган хажмда) исобланди		
15	Асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлабчиқариш ва бошқарув эйтиёжлари, хизмат кўрсатувчи хўжаликларга тааллуқли харажатларни амалга оширганлиги учун исобдор шахсларга қарзлар исобланди	2010, 2310, 2510, 2710, 9420	6970
16	Яроқсиз маісулот билан бојлиқ бўлган турли харажатлар (қайтариб олиб келиш ва іюказо) тўлови учун исобдор шахсларга қарзлар исобланди	2610	6970
17	Сотиб олинган товарлар учун исобдор шахсларга бўлган қарзлар исобланди	2910-2990	6970
18	Маісулотни сотиш билан бојлиқ бўлган (транспорт ва бошқа) харажатларни амалга оширганлиги учун исобдор шахсларга бўлган қарзлар исобланди	9410	6970
19	Табиий офатларнинг олдини олиш ёки баргараф қилиш билан бојлиқ бўлган турли харажатларнинг тўлови учун исобдор шахсларга бўлган қарзлар исобланди	9720	6970
20	капитал қўйилмаларда турли корхоналар хизматлар кўрсатди	0810-0890	6990
21	Турли корхона ва шахслардан турли ТМЗ сотиб олинди ва іар хил хизматлар қабул қилинди	1510	6990
22	Турли корхоналар асосий, ёрдамчи, умумишлабчиқариш цехлари ва хизмат кўрсатиш хўжаликларга хизматлари кўрсатишди	2010, 2310, 2510, 2710	6990
23	Яроқсиз маісулотни тузатиш билан бојлиқ бўлган харажатлар бўйича истеъмолчиларга бўлган қарз	2610	6990
24	Бошқа шахслардан товарлар келиб тушди	2910-2990	6990

3-Боб. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг жорий мажбуриятлар аудитини ташкил қилиш

3.1. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг жорий мажбуриятларнинг аудити режаси ва дастурини тайёрлаш

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда мажбуриятлар ҳисоб-китобларнинг аудити режаси ва дастурини тайёрлаш учун аудит текшируви қуйидаги тўрт асосий босқичдан ташкил топган:

1. Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш.
2. Режага асосан молиявий ҳисоботлар аудитини ўтказиш.
3. Аудит текшируви натижасига кўра молиявий ҳисоботлар корхонанинг молиявий ҳолати, операциялари натижаси ва пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар БҲМС га асосан акс эттирилганлиги ёки БҲМС талабларидан четлашганлик ҳоллари рўй берганлигига ишонч ҳосил қилиш ва шунинг асосида молиявий ҳисоботлар юзасидан аудиторлик профессионал фикрини шакллантириш.
4. Аудитор профессионал фикрни аудиторлик хулосаси орқали манфаатдор тарафларга тақдим қилиш.

“Муборак пахта тозалаш” АЖнинг “Қашқадарёконсаудититирформ” аудитлик ташкилоти текширувини ўтказган. Ишчи фаолиятда режалаштириш аудит текширувини ўтказишнинг дастлабки босқичи ҳисобланиб, молиявий ҳисобот элементларига нисбатан аудит текширувининг якуний мақсадини ифодалайди. Ушбу мақсад “аудит режаси” номли ишчи қоғозда ўз ифодасини топади.

“Қашқадарёконсаудититирформ” аудитлик ташкилоти режалаштириш жараёнида кутилаётган аудит текширувининг ҳажми, муддатлари белгиланади, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи юзасидан ҳолис ва асосли фикр шакллантирилиши учун амалга оширилиши лозим бўлган умумий аудиторлик амаллари (процедуралар)нинг тури белгиланади. Режалаштириш жараёни “аудит дастури” номли ишчи ҳужжат тайёрланиши билан ўз ниҳоясига етади. Аудит дастури аудит режасининг кенгайтирилган шакли бўлиб, аудит режасида текширув юзасидан белгиланган якуний мақсадга эришилиши учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар батафсил ёритилади. Бошқача қилиб айтганда, аудит дастури аудит режасига эришиш воситасидир.

Аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудитор аудиторлик дастурининг назорат воситаларининг тестлар дастури кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик амалларининг дастури кўринишида тузилганлигини текшириши лозим.¹⁵

¹⁵ Қосимов Х. ва бошқалар.т Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами/. - Тошкент, 2010. - 320 б.

Назорат воситаларининг тестлар дастури ички назорат ва ҳисоб тизимининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш учун мўлжалланган ҳаракатлар мажмуининг рўйхатидан иборат. Назорат воситалари тестларининг тўғри тузилиши ва амалда самарали қўлланилиши хўжалик юритувчи субъект назорат воситаларининг жиддий камчиликларини аниқлашда ёрдам беради.

Моҳиятига кўра аудиторлик амаллари ўз ичига бухгалтерия ҳисобида счетлар бўйича оборотлар ва сальдо тўғри акс эттирилганлигини батафсил текширишни ўз ичига олади. Моҳиятига кўра аудиторлик амалларининг дастури ана шундай аниқ батафсил текширишлар учун аудитор ҳаракатлари рўйхатидан иборат бўлади. Моҳиятига кўра амаллар учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг айна қандай бўлимларини текширишини белгилаши ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак бўлади.

“Қашқадарёконсаудититирформ” аудитлик ташкилоти кутилаётган аудит текшируви юзасидан умумий аудит режаси ва дастурини ишлаб чиқишда аудит текширувидан ўтаётган корхона бўйича жамланган дастлабки маълумотлар ва молиявий ҳисоботларга нисбатан ўтказилган таҳлилий амаллар натижаларига асосланишлари керак.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг ҳисоб – китоб операциялари бўйича аудит текширувини режалаштириш ва дастурлаш жараёни қуйидаги икки вазифани амалга оширишга қаратилади:

1. Ҳисоб – китоб операцияларига нисбатан ички назорат тизимини аудит текширувидан ўтказиш:¹⁶

дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва улар бўйича ҳисоб-китоб операцияларига нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишиш;

ички назорат тизимига нисбатан назорат рискни дастлабки баҳолаш ва кўшимча назорат тестларини ишлаб чиқиш;

кўшимча назорат тестларини қўллаш;

назорат рискни қайта баҳолаш ва асословчи тестларни ишлаб чиқиш;

асословчи тестларни қўллаш ва дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда ҳисоб-китоблар юзасидан ички назорат тизими бўйича ҳисобот тайёрлаш.

2. Молиявий ҳисоботларда ҳисоб – китоб операциялари билан боғлиқ элементларни аудит текширувидан ўтказиш:

дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг қопланиш имкониятини таҳлил қилиш;

дебиторлик ва кредиторлик қарзлари юзасидан, агар мавжуд бўлса, ҳисобланган фоизларни текшириш;

дебитор ва кредиторлар билан боғланиш;

¹⁶ Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари. -Т.:ТМИ.2004. -348 б.

йил якунида содир этилган дебиторлик ва кредиторлик операцияларининг молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилганини текшириш;

“шубҳали қарзлар бўйича резерв” счетини таҳлил қилиш.

Бунинг натижасида “Қашқадарёконсаудититирформ” аудитлик ташкилоти аудит текширувини ўтказиш соддалашади ва бухгалтерия тизимининг муҳим элементлари аудитор эътиборидан четда қолиб кетишининг олди олинади. Аммо, аудитор ушбу саволнома ва текширув дастурини қўллашда эътиборли бўлиши ва бу ҳужжатлардан миждоз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиши лозим. Чунки, бу ҳужжатдаги саволлар барча корхоналар учун бирдай тўғри келмаслиги мумкин. Шу билан бирга, аудитор текширувни фақатгина саволномада келтирилган вазифалар билан чекламаган ҳолда, яна қандай қўшимча текширув амаллари қўлланилиши мумкинлигини аниқлаши мақсадга мувофиқ.

Ички назорат тизимини нотўғри ахборот юзага келгани тўғрисида раҳбариятни ўз вақтида огоҳлантирса, шунингдек, нотўғри ахборотни тўғирлай олиш даражасида сифатли бўлса, ушбу тизим самарадор ҳисобланади ва аудит текширувида бу тизимга мурожаат этиш мумкин. Ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш аввало аудиторлик далилларига асосланиши сабаб, ички назорат тизимини текшириш учун масъул аудитор ички назорат тизимида доир аудит далиллари етарли миқдорда эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Аммо далилларнинг етарлилигини аниқлашнинг умумқабул қилинган усулбияти мавжуд эмаслиги сабаб, бу вазифа аудиторнинг шахсий мулоҳазасига асосланади.

Аудит текширувида иштирок этаётган аудитор аудит дастурида келтирилган ҳар бир вазифани амалга оширганини оғзаки тарзда эмас, балки тегишли ишчи қоғозларда ёзма тартибда баён этади. Катта аудитор ҳам айнан шу ишчи қоғозлар асосида аудит текширувининг АФМСга амал қилган ҳолда ўтказилаётганига ишонч ҳосил қилади, аудиторлик фирмаси раҳбари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг холис фикрини шакллантиради ва шаклланган фикрга мос келувчи аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини имзолаш учун асосга эга бўлади.¹⁷

Ишчи қоғозларнинг ана шундай катта аҳамиятга эгаллиги сабаб, улар тегишли тартибда расмийлаштирилиб борилиши, уларда ҳар бир бажарилган аудиторлик амали махсус рақамлаштириш тизимида асосан кодланиши керак. Рақамлаштиришнинг аҳамияти шундаки, аудитор текширув жараёнида ўзи ёки текширувда иштирок этаётган бошқа аудитор тайёрлаган ишчи қоғозларга қайта мурожаат этиши зарур бўлганда керакли ишчи қоғозларни осон топиш мумкин бўлади. Шу билан бирга ишчи қоғозларнинг код рақами бўйича жорий ва доимий файлларда архивлаш келгусида шу миждоз

¹⁷ Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-254 б.

корхонада ўтказиладиган аудит текшируви жараёнида уларга мурожаат этилишинини соддалаштиради.

Аудит текширувини ўтказиш даврида дастлаб маълум бўлмаган, аммо кейинчалик юзага чиққан ҳолатлар, мисол учун мижоз томонидан яширилган кредиторлик қарзларининг аниқланиши сабабли режалаштирилган аудит амалларини ўзгартириш зарурати юзага келиши мумкин. Шунга мос равишда дастлаб тузилган аудит режаси ва дастурини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Демак режалаштириш ва дастурлаш аудит текширувининг дастлабки босқичи ҳисоблансада, бу жараён бутун текширув давомида таколмиллашиб бораверади. Аммо, катта аудитор режа ва дастурдаги ўзгаришларнинг сабаб ва натижаларини кўрсатувчи қўшимча маълумотнома тайёрлаши лозим.

3.2. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни текшириш

“Қашқадарёконсаудититирформ” аудитлик ташкилоти аудиторлик текшируви ўтказишдан асосий мақсад – харидорлар, буюртмачилар ва корхона ўртасида корхона томонидан сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида БҲМСга мос ҳисобга олинганлигини ва молиявий ҳисоботларида тўғри акс эттирилганини текширишдан иборат.

Самарали аудит стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида аудит таваккалчилигини белгилаш ва харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудитининг дастурини тайёрлаш учун аудитор ушбу ҳисоб бўлимига нисбатан ички назорат тизими мавжудлигини текшириши ва ушбу тизимни сифат нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Бунинг учун аудитор харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб опреацияларига нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишади.

Бу мақсадда харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг аудити жараёнида мол етказиб бериш учун шартномалар тузилганлиги, харидор томонидан қабул қилинган маҳсулотлар учун корхонага тегишли бўлган суммалар (сотиш муддатлари, маҳсулот сифати ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда) тўғри ҳисобланганлиги, 15% миқдоридан олдиндан тўлов амалга оширилмасдан туриб маҳсулот берилмаганлиги, 4010, 6230, 6310-сонли счетларда кўрсатилган харидорлар қарзи ҳақиқийлиги аниқланади. Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича қарзларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги ва ишончлилиги дастлабки ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлари, ҳисоб-китобларни инвентаризация далолатномалари ва ҳисоб регистрларидаги кўрсаткичлар асосида текширилади.

4010-сонли “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар” счет бўйича таҳлилий ҳисоб тўғри олиб борилаётганлиги текширилиши лозим.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг турли шаклларида фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларни текширишда барча асос бўлган ҳужжатлар мавжудлиги текширилади, агар зарурият бўлса, банкда ёки харидорда муқобил солиштирувлар ўтказилади.

Харидор ва буюртмачилар билан улар қабул қилиб олган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тўғри ва ўз вақтида амалга оширилганлигини текшириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун ҳисоб-китобларни инвентаризация амалга оширилади.

Бошқа шаҳарлардаги харидорлар билан инвентаризацияни ўтказиш учун уларга ҳисоб-китобларни таҳлилий ҳисоби варақасининг нусхаси (контокоррект кўчирма) юборилади. Бунда, кредитор-корхоналар мазкур кўчирмаларни дебитор-корхоналарга юборилиши кераклиги тўғрисидаги қоидага амал қилиш лозим. Ушбу кўчирма дебитор-корхона томонидан текширилиши ва керакли бўлган тузатишлар киритилиши, имзоланиши, муҳр билан тасдиқланиши ва олингандан кейин 10 кун муддатда қайтарилиши лозим. Агар харидорлар бир шаҳарда жойлашган бўлса, ҳисоб-китобларни инвентаризацияни ўтказишда ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро солиштирма далолатномаси тузилади.

Агар текширув натижасида айрим корхоналар бўйича муҳим қарзлар мавжудлиги аниқланса, унинг асосланганлиги, пайдо бўлишини акс этувчи дастлабки ҳужжатлар (счёт-фактуралар, юк хатлари), ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро солиштирма далолатномалар кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади, харидорни аудит ўтказилаётган корхона билан ўз вақтида ҳисоб-китобни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган сабаблар ва бунга айбдор шахслар аниқланади.¹⁸

Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни инвентаризация далолатномасида умуман балансда ҳисобда бўлган қарзларни ва алоҳида қарздорлар бўйича, жумладан, улар томонидан тасдиқлангани ва тасдиқланмаганини ҳам, шунингдек, инвентаризация комиссияси томонидан муддати ўтган деб тан олинган қарзлар ўрганиб чиқилиши лозим. Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни инвентаризация далолатномасига илова қилинган, текширилаётган корхона бухгалтерияси томонидан тайёрланган маълумотнома асосида қарзлар нима учун ва қачон пайдо бўлганлиги, шунингдек, улар ҳақиқий эканлиги аниқланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилган шартномаларга асосан ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятлар ижро этилишининг чегараланган муддати товар олингандан кейин уч ой муддатда деб белгиланган. Қайд этилган мажбуриятлар бўйича кредитор томонидан талаб қилиб олинмаган суммалар, йил охирида ҳисоб-китобларни инвентаризация натижалари асосида даргумон дебиторлик қарзлари деб ҳисобга олиниши ва корхона-кредитор зарари деб ҳисобдан чиқарилиши лозим (ушбу қарзлар суммаси солиққа тортиладиган фойдага киритилади). Агар корхонанинг ҳисоб сиёсатида даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этиш кўзда тутилмаган бўлса, уч йил ўтгандан кейин улар корхона зарари тариқасида ҳисобдан чиқарилади.

¹⁸ Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. 2 жилд. Тошкент: НОРМА, 2008 йил. 320 б.

“Қашқадарёконсаудититирформ” аудитлик ташкилоти текширув якунида харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ўтказмалари тўғри тузилганлиги, шунингдек, 4010-сонли счет бўйича таҳлилий ҳисоб ёзувлари 11-сонли журнал-ордер, Бош китоб ва балансдаги ана шундай ёзувларга мувофиқлиги аниқланади (ҳисоб журнал-ордер шаклида юритилишида).

Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни аудит қилишда мунтазам равишда учрайдиган хатоликлар қуйидагилардир:

маҳсулот етказиб бериш учун шартномалар йўқлиги ёки улар нотўғри расмийлаштирилганлиги;

дастлабки ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлар йўқлиги ёки улар тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги;

ҳисобни тегишли равишда олиб борилмаслиги (сметлар нотўғри корреспондентланиши, таҳлилий ҳисобнинг ишончсизлиги ва ҳоказолар);

ҳисоб-китоблар бўйича инвентаризация расмиятчилик нуқтаи назаридан ўтказилиши;

шартномалар бўйича даъволар нотўғри расмийлаштирилиши ва тақдим этилиши.

Шўба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб китобларни аудит текширувидан ўтказишдан мақсад – корхона ва унинг филиаллари, қарам корхоналари ўртасида амалга оширилган ҳисоб – китоб операциялари белгиланган қонун-қоидаларга мос равишда амалга оширилганлигини текшириш ва бу ҳисоб – китоб операциялари молиявий ҳисоботларда БҲМСга мос равишда акс этирилганлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат.¹⁹

Шўба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб – китоб операцияларини ўрганиш жараёни барча бошқа ҳисоб – китоб операциялари билан бўлгани сингари ички назорат тизимини текширувдан ўтказиш билан бошланади. Бу мақсадда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг шўба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб-китоб операцияларига нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишиш. Бунинг учун аудитор мижоз корхонанинг қандай шўба ва қарам корхоналари мавжудлиги, уларнинг иш фаолияти, улар ва мижоз корхона ўртасида амалга ошириладиган операциялари мазмуни ва тартиби билан танишади. Шундан сўнг икки тараф ўртасидаги ҳисоб – китоб операцияларига нисбатан қандай ички назорат тизими ташкил этилганлиги унинг иш сифати ўрганилади. Бу вазифани самарали амалга ошириш мақсадида аудиторлик фирмалари томонидан шўба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб – китоб операцияларни текширишга мўлжалланган, биз аввалги бўлимларда кўрган, махсус саволномалар тайёрланиши мақсадга мувофиқ.

¹⁹ Сотволдиев А.С. Замоновий бухгалтерия ҳисоби. Дарслик- Т.: Миллий Ассоциацияси, 2004, 429 б.

Ички назорат тизимига нисбатан назорат таваккалчилиги (риски)ни дастлабки баҳолаш ва кўшимча назорат тестларини ишлаб чиқиш. Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб - китоб операциялари бўйича саволноманинг таҳлили натижасида аудитор томонидан миқдор ички назорат тизимига яқин баҳо берилди ва текширув давомида ички назорат тизими маълумотларига асосланиш, мурожаат этишнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги аниқланади. Шу билан бирга аудит таваккалчилиги (риски)нинг иккинчи кўпайтувчиси “назорат таваккалчилиги (риски)” даражаси аниқланади. Агар ушбу кўрсаткич юқори бўлса аудитор аудит таваккалчилиги (риски)нинг учинчи кўпайтувчиси “аниқланмаслик риси”ни камайтириши, яъни аудит текширувининг кўламини кенгайтириши лозим.

Асословчи тестларни ишлаб чиқиш. Ички назорат тизимининг сифати бўйича зарурий маълумотларни қўлга киритгач аудитор бевосита молиявий ҳисоботларда шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб – китоб операциялари бўйича келтирилган маълумотларни текширишга ўтади.²⁰ Бу босқичда аудитор томонидан миқдор корхона, ҳамда шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ўртасида ҳисоб – китоб юритиш жараёнида тузилган барча ҳужжатлар (аудит далиллари) тўпланади ва аудитор томонидан таҳлил қилинади. Шу билан бирга аудитор жамиятнинг ажратилган бўлинмалари, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган қуйидаги счётларни текшириб чиқади:

6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар”;

6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар”.

“Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар” номли 6110 - счётда корхонанинг умумий балансига қўшиладиган филиаллар ва ваколатхоналарнинг жорий мажбуриятлари (ички хўжалик ёки ички баланс ҳисоб-китоблари) ҳисобга олинади.

6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар” счётининг кредитида турли хилдаги муомалалар бўйича ажратилган бўлинмалар олдидаги жорий мажбуриятлар товар-моддий қийматликлар, пул маблағлари, харажат ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

“Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар” номли 6120-счётда шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига жорий мажбуриятлар (баланслараро ҳисоб-китоблар ёки ички идоравий ҳисоб-китоблар) ҳисобга олинади.

6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга тўланадиган счётлар” счётининг кредитида турли хилдаги муомалалар бўйича шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги жорий мажбуриятлар товар моддий

²⁰ Қосимов Х. ва бошқалар.т Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами/. - Тошкент, 2010. - 320 б.

қийматликлар, пул маблағлари, харажатлар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6110 “Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар” ва 6120 “Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар” счётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ажратилган бўлинма, шўъба ва қарам хўжалик жамияти бўйича алоҳида юритилиши аудитор томонидан батафсил текширилади.

3.3. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖ бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар билан ҳисоблашишларни аудит текширишиувини ўтказиш йўллари.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигига мувофиқ кўпчилик корхоналар бюджетга умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар тўлайдилар.

Солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади текшириладиган хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоботининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни акс эттириш қисмида, ҳамда солиққа тортишдаги тартибга солинмаган масалалар билан боғлиқ сезиларли ҳолатларни акс эттиришдан иборат.

“Қашқадарёконсаудититирформ” аудитлик ташкилоти бюджет билан олиб бориладиган ҳисоб китоблар аудитор жиддий эътибор бериши лозим бўлган мураккаб объект ҳисобланади. *Биринчидан*, бюджетга тўланадиган солиқларнинг нотўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлиги учун корхонага нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилади. Бу эса унинг молиявий ахволига сезиларли даражада таъсир қилади. Иккинчидан, ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосалари солиқ инспекцияси томонидан қабул қилиниши айрим ҳолларда шубҳа остига олиниб, қабул қилинмаслиги ҳам мумкин. Сўнги ҳолатда солиқ органи тақдим қилинган аудиторлик хулосасини қайтадан текшириб чиқишга ҳақлидир.

Агар аудитор хулосаси давлат бюджети манфаатларига зид, амалдаги Қонунчиликка ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилинмасдан, сифатсиз тўзилганлиги аниқланса, Бундай ҳолларда аудиторлик фирмаси адиторлик фаолияти йилан шугулланишга ҳуқуқ берадиган лицензиядан маҳрум қилиниши мумкин. Солиқлар тўланишини текширишдан олдин солиққа тортиладиган объект бўйича кўрсаткичларнинг тўғрилиги, солиққа тортиладиган база ва солиқ ставкаларига риоя қилиниши, текширилиши керак.

Шунинг учун аудитор бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишда малакали маслаҳатчи ва ушбу ҳисоб-китоблар тўлиқ ҳамда ўз вақтида бўлиши учун хайрхрх бўлмоги лозим. Бюджет билан ҳисоб-китобларда корхона бухгалтерлари томонидан йул куйилган хатоларни кўрсатиш билан аудитор ушбу корхонага солиқ инспекцияси томонидан қўлланиладиган

молиявий жазо чоралари билан боғлиқ бўлган зарарлардан қутилиб қолишга ёрдам беради. Шунинг учун у бюджет тўловларига доир ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд Қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида ўтказиб берилишини синчиклаб текшириши лозим.

Бюджетга тўланадиган тўловларнинг руйхати Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси билан, айрим тудовлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби эса Давлат Солиқ Комитети ва Молия вазирлигининг тегишли йўриқномалари билан тартибга солинади.

Солиқлар бўйича қарзлар юридик шахсларнинг бюджет олдигаги мажбурияти бўлиб ҳисобланади ва одатда, маълум санада тўланади.

Солиқ қонунчилигининг тезтез ўзгариши ва меъёрий ҳужжатлар айрим қоидаларидаги зиддиятлар солиқларга доир ҳисоб-китобларда тасодифий хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Солиқлар бўйича қарзлар синчиклаб текширувдан ўтказилганида қўйидаги хатолар аниқланиши мумкин:

- солиқларни ҳисоб-китоб қилишда бухгалтерия ҳисоби тамойиллари, қонун ҳужжатлари ва йўриқномаларнинг нотўғри қўлланилиши;
- солиқ ставкаларининг нотўғри қўлланилиши;
- солиққа тортиладиган базанинг нотўғри аниқланиши;
- пеня ва жарималарнинг ноаниқ ҳисобга олиниши.

Ҳар бир солиққа оид Қонунчилик ҳужжатида солиқ ставкаларини қўллаш, солиқ солинадиган базани аниқлаш, солиқларни тўлаш муддатлари, ҳисоботларни тайёрлаш ва хоказо талаблар акс эттирилади.

Солиқ мажбуриятларининг нотўғри аниқланиши катта молиявий йўқртишлар келтириб чиқаришини ҳисобга олиб, аудиторлар ушбу участкада текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш технологиясига алоҳида эътибор беришлари лозим. Текширувларни муваффақиятли ўтказиш учун қўйидагиларни амалга ошириш зарур:²¹

- бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишга юқори малакали мўтахассисларни жалб қилиш;
- ходимларни солиққа тортиш масалаларига оид тезкор ахборотлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;
- аудиторлар оддий кундалик муаммолар устида такроран ишламасликлари учун, корхона ичида солиққа тортишининг долзарб масалаларига доир ахборотлар ва ишланмаларни алмашишни ташкил этиш;
- мижоз томонидан тақдим қилинадиган, солиққа тортиш масалаларига доир ёзма ахборотлар сифатини самарали назорат қилиш;
- корхона ичида солиқ бўйича маслаҳат бериш технологиясини барпо қилиш ва бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилиши лозим бўлган ишчи ҳужжатларининг махсус шакллари ишлаб чиқиш.

²¹ Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-254 б.

Шунинг учун бюджет билан ҳисоб-китоблар ахволи тўғрисида якуний хулосани аудиторлар гуруҳининг раҳбари Қилиши керак У асосий солиқлар бўйича аниқданган барча тафовутларни ва уларнинг солиққа тортиладиган база шаклланишига таъсирини баҳолаш имконига эга.

Фойда солиғи ва қўшилган қийимат солиғи корxonанинг молия хўжалик фаолиятига энг катта таъсир кўрсатиб, ҳисоб-китоб қилишда ҳам, текширув ўтказишда ҳам ҳаммадан қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боисдан умум давлат солиқларидан шу иккаласига батафсил тўхталиб, қолган солиқлар ва йиғимлар бўйича эса аудиторлар томонидан қўлланиладиган умумий текширув қоидаларини баён қиламиз.

а) Юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғини текшириш. Даромад (фойда) солиғи ҳуқуқий шахслар даромадининг (фойдасининг) бир қисмини давлат томонидан олиш йули билан бюджетга тушириладиган маблағлар манбаларидан биридир. Фойда (даромад) солиғини аудиторлик теширувидан ўтказиш, қоидага кура, қўйидагиларни ўз ичига олади:

- чораклик учун солиқ ҳисоб-китоби асосида ҳар чоракда ҳисобланган ва тўланган бўнак тўловларни таҳлил қилиш;
- ҳисобот даври учун фойда солиғи ҳисоб-китобини текшириш;
- фойда (даромад) солиғи бўйича қарзларни ҳисобот давридаги молияхўжалик фаолияти натижалари асосида таҳлил қилиш.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган фойда ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб аниқланадиган, фойда солиғининг бўнак бадалларини чораклик давомида бюджетга тўлаб боради. Фойда солиғининг бўнак бадалларини бюджетга тўлаш ҳар ойнинг 15санасидан кечикмасдан, ушбу солиқ чораклик суммасининг 1/3 қисми миқдоридаги тенг улушлар билан амалга оширилиши лозим.

Чораклик ҳисоб-китобларга кўра бюджетга қўшимча тўланиши лозим бўлган суммалар, корxonалар томонидан чораклик бухгалтерия ҳисоботини тақдим қилиш учун ўрнатилган кундан бошлаб беш кун муддатда, йиллик ҳисоб-китоблар бўйича эса йиллик бухгалтерия ҳисоботини тақдим қилиш учун ўрнатилган кундан бошлаб ун кунлик муддатда тўланиши керак.

Ўтган чораклик учун ҳақиқатда олинган фойда бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган сумма билан солиқнинг ҳақиқатда тўланган бўнак бадаллари ўртасидаги фарқ ўтган чоракда амалда бўлган, Ўзбекистан Республикаси Марказий Банки ремолиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган суммага нисбатан аниқлаштирилиши лозим.

“Қашқадарёконсаудититирформ” аудитлик ташкилоти текширув чоғида аудитор қўйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

- фойда солиғини ҳисобга оладиган счёт бўйича қолдиқни бош дафтар маълумотлари билан солиштириш;
- фойда солиғи бўйича қарзлар қолдиқлари бўйича ҳисоб-китобини тайёрлаш ва қолдиқларни чиқариш;
- мижоз корxона томонидан қилинган фойда солиғи ҳисоб-китобини ва фойда солиғининг ҳақиқий ва ҳисоб-китоб суммалари ўртасидаги барча катта фарқларни таҳлил қилиш;

- фойда солиғини ҳисоб китоб қилишга таъсир кўрсатган омилларни мижоз билан муҳокама қилиш. Ҳақиқий ва ҳисоб-китоб қилинган суммалар ўртасидаги фарқлар изохланиши ва ҳужжатларда акс эттирилиши лозим;
- суммаларни жамлашнинг тўғрилигини текшириш ва қайта ҳисоблаш;
- фойда солиғи бўйича бўнақларни ва якуний солиқ суммасини солиштириш.

Ҳисобот даври учун ҳисоб-китобларда тайёрланган чораклик бўнақ тўловларини таҳлил қилиш чораклик тўловларни банк кучирмаси бўйича солиштириш, солиқларни дастлабки ҳисоб-китоб қилиш ҳужжатлари ва кейинчалик жарималар ва пенялар тўлашдан кутулиш учун бўнақларнинг ўз вақтида тўланишини таҳлил қилишга асосланиши лозим.

Аудитор даромад (фойда) солиғи тўловчи субъектнинг макomini, унинг асосий ва қўшимча фаолият турларини, ички ва алоҳида ажралиб чиққан бўлинмалари ҳамда ҳамкорларини аниқлаши зарур. Аудитор биринчи навбатда, фойда ҳақидаги баланс маълумотларини 9900 “Якуний молиявий натижа (даромадлар ва ҳаражатларни жамлаш)” счёти бўйича бош дафтарда, журнал ордерларда, “Молиявий натижалар тўтрисидаги ҳисобот” (2 шакл) бўйича бир-бирига таққослаб, уларнинг ўзаро мос келишини аниқлаши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳрзирги пайтда баланс фойдаси йил давомида акс эттирилади: пассивда олинган фойда, активда эса унинг ишлатилиши. Йил якунида аниқланган фойданинг ишлатилган суммасига 9810 “Даромад (фойда) солиғи бўйича ҳаражатлар” ва 9820 “Фойдадан тўланадигак бошқа солиқлар ва йиғамлар бўйича ҳаражатлар” счётларини кредитлаб 9900 “Якуний молиявий натижа” счётини дебетлаб тўғриланади (корректировка қилинади). Фойданинг тақсимланмай қолган қисми эса 9900 “Якуний молиявий натижа” счёти дебетига ва 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счётининг кредитига ёзилиб, ҳисобдан учурилади.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖда бундан ташқари тахмин қилинаётган фойда ва солиқларнинг жорий тўловлари ҳақидаги маълумотнома ҳам текширилиши керак. Солиқ тўловчи солиқ суммасини мустақил аниқлашда, ўзи солиқ бўйича бериладиган имтиёزلарни ҳисобга олади. Солиқларнинг ўз вақтида ҳамда ҳар хил даражадаги бюджетларга тўланиши учун жавобгардир.

Аудитор таъсисчиларнинг устав капиталига улушлари бўйича ҳисоб-китобларни текширганда устав капиталининг ўзи белгиланган қонун талабларига мос тузилганини ҳам ўрганади. Устав капиталининг бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиниши шу корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқлиги аудитор текширув ўтказаетганда эътиборда туриши лозим.

Хусусан, акциядорлик жамиятлари устав капиталининг тузишга нисбатан талаблар ҳақида сўз борганда, ушбу талаблар акциядорлик жамиятининг очик акциядорлик жамияти қараб турлича бўлади.

Аудитор устав капиталини текшираётганда, корхона устав капиталининг давлат рўйхатидан ўтказилиш давридаги ҳажми шу талабларга қанчалик мос тушаётганига эътибор бериши лозим.

Қўшимча тарзда шуни таъкидлаш жоизки, АЖлар тўғрисидаги қонунларда белгиланган юқорида келтирилган устав капитали миқдорига қўйиладиган талаблардан ташқари, устав капиталининг тузилиши ва миқдорига муайян қўшимча талабларни белгиловчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 5.11.2005 й.даги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги низомга асосан, улгуржи савдо билан шуғулланишга лицензия олиш учун корхона ўз устав капиталини энг кам ойлик иш ҳаққининг 3500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилиши керак, ундан энг кам ойлик иш ҳаққининг камида 1200 баравари пул маблағлари бўлиши лозим.

Фикримизча “Муборак пахта тозалаш” ОАЖ нинг устав капитали акция чиқариб сотиш эвазига ҳосил бўлади. Акция чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Акция чиқариш – бу акцияни қонун билан белгиланган талабларга асосан чиқариш ва акциядорларга бирламчи сотиш ҳисобланади. Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш эмиссия дейилади. Эмиссия бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи эмиссия АЖни тузиш ёки хусусийлаштириш мақсадида давлат корхонасини АЖ кўринишида қайта тузиш жараёнида амалга оширилади. Иккиламчи эмиссия фаолият юритаётган АЖ устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ.

Ушбу акцияларнинг номинал, яъни юзасида кўрсатилган қийматининг умумий суммаси устав капиталини ҳосил қилади. Корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш мақсадида чиқарган акциялари 2 турга бўлинади ва алоҳида ҳисобларда ҳисобга олинади.

1. Оддий акция – акциядорга корхона бошқарувида овоз бериш, корхона фойдасидан дивиденд кўринишида даромад олиш, қўшимча акция чиқариш жараёнида қатнашиш ва корхона ликвидация қилинаётганда, яъни ёпилаётганда унинг активларга шахсий мулк кўринишида эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи юридик ҳужжат ҳисобланади.

2. Имтиёзли акция – оддий акцияларга нисбатан маълум устунликлар, имтиёзларга эга бўлган акциялар ҳисобланади. Бу имтиёзлар асосан дивиденд ва корхона ликвидацияси жараёнида активларни тақсимлаш бўйича бўлади. Имтиёзли акция ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш жоизки, ЎзРнинг 26.04.1996 й.даги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги 223-1-сон қонуннинг 19-моддасига асосан, жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг умумий номинал қиймати АЖ устав фонднинг 20% идан ошмаслиги лозим.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг таъсисчилар (акциядорлар) билан ҳисоб-китоблар тартибини аудитор Низом капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари ҳисоблари ҳамда таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар бўйича қарзлари ҳисоблари бўйича текширади.

Аудитор тахлилий ҳисобни ва унга асос бўлган таъсис ҳужжатлари, асосий воситаларни ва номоддий активларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, тўлов топшириқномалари, кирим касса ордерлари ва бошқаларни текшириши лозим. Давлат мулки иштирокида ташкил топган

корхоналарда жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида таъсисчилар томонидан сотиб олинган акциялар учун тўланган мол-мулк таъсисчиларни мулк эгаллиги ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар текширилиши керак.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ ихтиёрида қоладиган соф фойда, одатда, икки хил мақсадлар: заҳира капитални ташкил этиш ва дивидендларни тўлаш учун ишлатилади.

Дивиденд - бу акция эгалари, хўжалик жамият капиталдаги иштирокчиларининг даромади, тақсимланмаган фойдадан дивиденд кўринишида тўланади. Фойда солиқлари, заём облигациялари тўловлари чиқарилгандан сўнг, заҳира капитали тўлдирилгандан кейин жамият олган фойданинг бир қисми дивидендларга йўналтирилиши мумкин. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Устав капитали тўлиқ шаклланмагунча, акциядорлик жамияти мол-мулкнинг соф қиймати унинг Низом ва заҳира капиталдан кам бўлганда ёки дивидендлар тўлангандан кейин у ушбу миқдордан камайиб кетса, акциядорлик ва бошқа жамиятлар фойдани акциядорлар ўртасида тақсимлаши, уни солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан ташқари бошқа мақсадларда ишлатиши мумкин эмас.

Дивиденд - акциядорлар ўртасида акциялар сонига мутаносиб ҳолда тақсимланадиган акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмидир. Дивиденд акциянинг номинал қийматидан фоиз ҳисобида ёки бир акцияга сўм ҳисобида эълон қилинади.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ дивиденд ҳар чоракда, ярим йилда бир маротаба ёки бир йилда бир маротаба тўланиши мумкин. Йил давомида тўланадиган дивиденд оралиқ ҳисобланади. Дивиденднинг якуний миқдори ҳисобот йилида хўжалик фаолиятининг натижалари билан аниқланади. Дивиденд акциядорлар мажлиси томонидан акциядорлик жамияти директорлар Кенгаши таклифига биноан эълон қилинади ва у директорлар томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори улар чиқарилган вақтда белгиланади. У ҳал қилувчи овоз билан имтиёзли акциялар эгалари иштирок этган акциядорлар мажлиси томонидан ўзгартирилиши мумкин. Низом капитали иштирокчилар улуши сифатида тақсимланган жамиятларда, дивиденд миқдори ҳар бир иштирокчи улушига мутаносиб равишда белгиланади.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ нинг ўз акциядорларига дивиденд тўлаш бўйича мажбуриятлари таъсисчиларга қарзлар ҳисоби ҳисобда акс этилади. Аудитор акциядорлар реестри маълумотлари билан ва ушбу ҳисоб бўйича ҳисоб маълумотларини солиштириб акциялар ўз вақтида тўланганлиги ва улар ҳаракати бўйича операциялар қонуний амалга оширилганлигини текширади. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖ да бошқа акциядорларнинг руҳсатсиз акциялар кўлдан кўлга ўтиши мумкин, лекин бу тўғрисида, албатта, акциядорлар реестрларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖнинг мажлиси қарорига, акциядорлик жамияти Низомида кўзда тутилган тартибга мувофиқ, алоҳида имтиёзли ва алоҳида оддий акциялар бўйича дивидендлар миқдори эълон қилинади. Бухгалтерия ҳисобидаги акциядорларни ҳисобга олиш реестри маълумотлари бўйича тўлашга эълон қилинган дивидендлар ҳисобланади. Аудитор акциядорлар мажлиси баённомаси ва қарорини, бухгалтерияда ушлаб қолинган солиқлар акс этилган маълумотномасини текшириши лозим.

Дивиденд ҳисоблашдан олдин, кимга ва қанча сумма ҳисоблаш ва тўлаш кераклигини аниқлаш мақсадида, эгаллик қилувчининг номи ёзилмаган акциялар эгаларини рўйхатга олиш эълон қилинади. Белгиланган муддатларда тўланмаган акциялар ва корхона томонидан сотиб олинган акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

Амалдаги қонунчилик билан рухсат этилган ва акциядорлик жамияти Низоми билан кўзда тутилган ҳолатларда, агар фойда етарли бўлмаса, имтиёзли акциялар бўйича тўловлар заҳира капитали ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ дивидендлар бўйича солиқларни ушлаб қолиш ва бюджетга тўлаш даромадларни тўлаш манбаси томонидан амалга оширилади. Корхона иштирокчилари фойдасига дивидендлар ҳисоблангандан кейин солиқлар ҳисобланади ва ушлаб қолинади.

Юридик шахслар томонидан олинган дивидендлар даромаддан 10 фоизли ставка бўйича солиққа тортилади. Жисмоний шахсларнинг дивидендлари ҳам 10 фоизли ставка бўйича солиққа тортилади.

Дивидендларни пул маблағлари билан тўлаш таъсисчиларга қарзлар ҳисоби счетнинг дебети ва пул маблағлари ҳисоби счетнинг кредити бўйича акс этилади. Дивидендлар бўйича тўловлар нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилганда аудитор чиқим касса ордерлари ва тўлов топшириқномаларини текшириши керак. Шунингдек, варақаларда ёки кайдномаларда дивидендлар бўйича акциядорлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ҳисоби ҳам текширилади.

Дивидендлар бўйича тўланмаган сумма қолдиқлари даъво қилиш муддати уч йилдан ошгандан кейин акциядорлик жамияти даромадига киритилади.

Дивидендлар келгусидаги эмиссия акциялари билан тўланганда (даромадларни реинвестициялаш) Низом капитали ҳисоби бўйича счетлар кредитланади.

“Муборак пахта тозалаш” ОАЖ дивидендларни ўз хусусий акциялари билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиб у қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

акциядорлар томонидан тақсимланмаган фойда счетдан Низом капитали счетга маблағларни кчиқариш йўли билан тўловларни амалга оширганлиги ҳисобига айланма капитал улушини ошириш;

жамият айланма капиталини сақлаб қолиш, чунки у дивидендлар бўйича тўловларга маблағ сарфламайди;

агар жамиятга ижобий томони бўлса, ўз акциялари бўйича биржа курсини пасайтириш;

дивиденд ва фойда бўйича солиққа тортишдан озод бўлиш.

Дивидендларни акциялар билан тўлашда берилган акцияларни номинал ёки бозор нархида ҳисобга олиш муаммоси вужудга келади. Мутахассисларнинг фикри бўйича, айланишда бўлган оддий акцияларнинг камроқ қисми, яъни 20 фоизгача бўлган миқдори акциядорларга тақсимланса, шу боис, уларни бозор нархларида баҳолаш лозим деб ҳисоблайдилар. Дивидендлар акцияларнинг катта пакети кўринишида тўланганда акцияларнинг номинал қийматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Агар акциядорлар рози бўлса, дивидендлар пул ва натура кўринишида тўланиши мумкин. Дивидендларни корхона маҳсулоти билан тўлаш бухгалтерия ҳисобида таъсисчиларга қарзлар ҳисоби счетнинг дебети ва тайёр маҳсулотлар ёки товарлар ҳисоби счетларининг кредитида акс этилади.

Шундай қилиб, таъсисчилар билан ҳисоб-китобларни текшириш мақсадида, Низом капиталига таъсисчилар томонидан улушлар тўлиқ киритилганлигини ёки акциялар ўз вақтида тўланганлигини назорат қилиш жадвалини аудитор томонидан тузиш мақсадга мувофиқдир.

Таъсисчилар билан даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар текширувини аудитор, юқорида қайд этилганидек, қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширади: акциядорлар мажлиси баённомаси ва қарори, бухгалтерия маълумотномалари, тўлов қайдномалари.

Хулоса ва таклифлар

Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади.

Ҳар қандай даврда пахта тозалаш саноати ўта муҳим тармоқлардан бири бўлиб келган. Мазкур соҳа ривожлантиришда инвестиция сиёсати самарадорлиги маълум бир жиҳатдан бевосита тармоқ пахта тозалаш корхоналарининг ички имкониятларидан оқилона фойдаланилишига боғлиқ бўлса, яна бир жиҳатдан ташқи омилларга ҳам бевосита боғлиқдир. Бугунги шароитида “Ўзпахтасаноат” уюшмаси корхоналари сингари пахта тозалаш корхоналарини ҳам модернизация қилиш давр талаби ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида акциядорлик жамиятларида хўжаликни бошқаришнинг янги механизмини яратиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу акциядорлик жамиятида инвестиция сиёсатини киритилиш бирга мажбуриятларнинг пайдо бўлиш. Бу ўз навбатида мажбуриятлар ҳисобини ва аудитини ташкил қилиш ҳамда такомиллаштириш вазифаларни белгилаб беради.

“Ўзпахтасаноат” уюшмаси корхоналарида пахта тозалаш жамиятлари маълумотларини таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида акциядорлик жамиятларида мажбуриятлари ҳисобини ташкил қилишнинг услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган маълум хулоса ва қуйидаги тавсиялар берилди:

1. Жорий мажбуриятларнинг хусусияти ва турларини баҳолаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди. Қарздорликни қуйидагича хусусияти: активларни ўтказилиши, мунозарали бўлмаслиги ва мажбуриятларни келтириб чиқиши ўринли бўлиши ҳамда мажбурият турларини баҳолаш бўйича қуйидагича: фактга асосланган, баҳоловчи ва шартли мажбуриятларни қўллашни тавсия қилдик.

2. Акциядорлик жамиятларида жорий мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишни кўриб чиқишдаги акциядорлик жамиятларида ҳам, бир йил давомида тўланиши шарт бўлган жорий кредиторлик қарзлари ва узоқ муддатли мажбуриятларни бир йилдан ортиқ муддатда тўлашини ҳисобга олган ҳолда, биз ўз илмий тадқиқотимизда жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларнинг асосий турларига бўлиб ўрганишга муяссар бўлдик.

3. Акциядорлик жамиятларида жорий мажбуриятлар ҳисобини ташкил этиш тартибини ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда “Муборак пахта тозалаш” ОАЖ маълумотлари асосида жорий мажбуриятларни юзага чиқиш муддатларини ҳисоби ва аудитини ташкил этишдаги тавсиялар берилди.

4. “Муборак пахта тозалаш” ОАЖ жорий мажбуриятлар ҳисобини такомиллаштиришда ҳисоб ёзувлар ёрдамида мажбурият бўйича бир қанча бухгалтерия ёзувлари корреспонденцияси ишлаб чиқилди ва акциядорлик жамиятларида бу ёзувлар орқали бухгалтерия муомалаларини қайд қилиши

мумкин. Бундан ташқари «Муддати ўзайтирилган даромад» ва «Муддати ўзайтирилган мажбурият»счётиларини 2 га бўлишни асослаб берилди ҳамда ходимларни меҳнат ҳақи бўйича кечиктирилишини инфляцияда ҳисобга олишни таклиф этдик. Жорий мажбуриятлар бўйича счётлар режасига бир катор ўзгартиришлар киришни ҳам таклиф қилдик.

5. «Муборак пахта тозалаш» ОАЖ узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олиш ва такомиллаштириш имкониятларини кўриб чиқишга муяссар бўлди. Узоқ муддатли мажбуриятларда юзага келаётган бир қанча камчиликларни бартараф этишга эришилди ва бухгалтерия ўтказмалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда демак, корхонадаги қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобининг бир қанча камчиликларни бартараф этсак, яъни таклиф этилаётган бухгалтерия ёзувлари бўйича бухгалтерлар амалга оширсалар, ташқи инвесторлар, кредиторлар ва акциядорлар ўз инвестицияларини акциядорлик жамиятларига жалб қилади деган фикрдамиз.

6. «Муборак пахта тозалаш» ОАЖ бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш ушбу корхоналарда замонавий технологияларда жорий мажбуриятлар ҳисобини ҳисобга олиш умуман юритилмаганлиги аниқланди. Чунки замонавий технологиялар қанчалик маълумот тез ҳисобга олинса, бошқарув ходимлари мажбуриятлар юзага келишини олдини олишига муяссар бўлади. Замонавий технологияларда мажбуриятлар ҳисобини ташкил қилиш учун ҳар бир муомалани сметасини тўзиш ва унда бажариладиган муомалани турлари бўйича кетма-кет ёзилишини ҳисобга олиш керак. Натижада корхонадаги бўлаётган вазият намоён бўлиб, ҳужжатларда ўз аксини топади. Мажбуриятларнинг муддат ўтиб кетишига ёки мажбурият юзага келмадини таққослаши мумкин.

Битирув малакавий ишида келтирилган хулоса ва таклифлар «Муборак пахта тозалаш» ОАЖ да мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисобининг янада такомиллашувига, шу билан бирга ушбу тармоқни иқтисодий жиҳатдан барқарорлашига олиб келади, деб ҳисоблаш мумкин.

